

**Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш масалалари.**

**Режа:**

**Кириш.**

**I боб. Миллий валюта тизими борасидаги назарий билимлар:**

**1.1. Миллий валюта тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий асослари.**

**1.2. Миллий валюта тизими элементлари.**

**II боб. Марказий банкнинг миллий валюта барқарорлигини таъминлашдаги ўрни:**

**2.1. Миллий валюта барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.**

**2.2. Миллий валюта барқарорлигини таъминлашда Марказий банк томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар.**

**III боб. Пул таклифи тартибини такомиллаштиришда хориж тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш.**

**Хулоса ва таклифлар.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

## Кириш.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан иборатдир. Ушбу жараёнда муомаладаги пул массасини тартибга солишнинг самарали тизимини вужудга келтириш, пул муомаласи ва кредит соҳасини янада такомиллаштириш ва барқарорлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий валюта қадрини оширишда ҳал қилиш лозим бўлган вазифалар Президентимиз И.А.Каримов томонидан кўрсатилиб берилган бўлиб, уларнинг бажарилиши нафақат Сўмнинг қадрини оширади балки Республикада амалга оширилаётган бутун иқтисодий ислохотларнинг самандарлигини белгилаб беради. Бунда ғоят муҳим вазифа миллий валютамуомаласи товарлар билан барқарор таъминлаб бериш ҳисобланади ва бунга ички бозорни мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш орқали эришилади.

Сўмнинг барқарор муомалада бўлишини таъминлашда етарлича барқарор валюта захираларига эга бўлиш ҳам кам аҳамиятга эга эмас. Бунга мамлакатнинг экспорт имкониятини кенгайтириш ва унинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш билан эришиб борилади. Сўмни қадрлаш ва инфляцияга қарши бакувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказиш – миллий валютани мустаҳкамлашдаги энг муҳим вазифалардир.

Давлат мустақиллигига эришилиши билан Ўзбекистон Республикаси олдида инфляция жараёнлари ва ишлаб чиқариш тушкунлигига барҳам бериш, бозор талабларига жавоб берадиган молиявий тизимни вужудга келтириш, ҳалқаро валюта ва савдо тизимиغا интеграция қилинишга йўналтирилган макроиқтисодий ислохотларни амалга оширишга оид мураккаб масалалар пайдо бўлди.

Ушбу кўрсаткичларга эришишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ўринлардан бирини эгалламоқда.

Чунки пул муомаласини тартибга солиш, кредит-банк соҳасини назорат қилиш, қатъий пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш унинг функцияларига киради.

Марказий банк банк тизимининг бош банки бўлиб, пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради ва миллий пулнинг барқарорлигини таъминловчи муассасадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган республикани 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастури» ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йили" давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётда юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик сақланиб қолинди.

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, инфляциянинг тасдиқланган параметрлар доирасида бўлиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатининг бозор инструментларидан кенг фойдаланилди.

Очиқ бозордаги операциялар муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминловчи асосий инструментлардан бири сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Марказий банк томонидан пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда, тўлов балансининг ижобий сальдоси ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операциялари ўтказилиб борилди.

Жумладан, 2012 йилда тижорат банклари маблағларини Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш операциялари ҳажми 2011 йилга нисбатан 1.4 мартага ошиб, 5.9 трлн. сўмни ташкил қилди <sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> 2012 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла қафолатланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг йетарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ўз миллий валютаимиз “сўм” муомалага киритилиши билан республикаимиз ҳаётида янги босқич бошланди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имкониятига эга бўлди.

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш тизимида пул-кредит сиёсати муҳим ўрин эгаллайди. Яъни, монетар сиёсат – мамлакат миллий валютасини барқарор сақлаб туришдаги энг асосий восита бўлиб саналади. У иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган бўлиб, иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги, инфляция, нархлар, ишсизлик ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни барқарор ушлаб туришни таъминлашга қаратилган сиёсатдир. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат, мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга тадбиқ этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида пул-кредит сиёсатини биринчи навбатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, инфляция даражасини камайтиришга ва иқтисодиётдаги тўлов интизомини кучайтиришга йўналтирди. Бунда 1995 йили қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари банк тизимини ислох қилиш ва уни ривожлантиришга асос бўлди.

Марказий банк давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган пул-кредит сиёсати бўйича ўз фаолиятини ҳар йили қабул қилинадиган “Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари” доирасида олиб боради. Асосий

Йўналишларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатини юритиш, мамлакат тўлов тизимини такомиллаштириш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ кондириш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинади.

## **I боб. Миллий валюта тизими борасидаги назарий билимлар:**

### **1.1 Миллий валюта тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий асослари.**

Ҳар бир иқтисодий категорияда амал қилувчи ҳамда мамлакат ривожининг дастакларидан бири ўзининг миллий валюта пули бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унда иш юритишда пулнинг мавқеи ва аҳамияти янада ошиб боради.

Миллий валюта тизими – тарихан юзага келган бўлиб, алоҳида олинган давлатнинг валюта муносабатларини қонун асосида ташкил қилиш ва бошқариш муносабатлари тизимини ўз ичига олади.

Маълумки ҳар бир давлат ўзининг пул тизимига эга бўлади. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиши унинг мустақил пул тизимига эга бўлишини тақозо қилди. Мустақил пул тизимининг жорий қилинишининг 1 – босқичи 1993 – йилдан бошлаб “сўм - купон”ларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобланади. Ўзбекистон пул тизимини қуришнинг 2 – босқичи 1994 – йил июлдан бошлаб миллий валюта – “сўм”нинг муомалага чиқарилиши бўлиб, у Ўзбекистон тарихида жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

“Миллий валюта– миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир”.<sup>2</sup>

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларида пул тизимини шакллантириш лойиҳаси тузилди. Юқорида таъкидланганидек, муомалага купон талонлар чиқарилди ва кейинчалик Ўзбекистон ўзининг миллий валютасини муомалага чиқарди.

Ўзбекистон миллий пул тизимининг асосий элементи бўлмиш сўм жамият манфаатларига хизмат қилади. Шунинг учун пул тизимининг асосий вазифаси миллий пулимизни қадрини мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришиш учун ўз иқтисодётини бозор талабларига

---

2 И. Каримов – “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Т. : “Ўзбекистон” 1995. 217 - бет

мос равишда ривожлантиришга қаратиши бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги миллий валютанинг барқарорлигини тақозо этади.

Ҳозирги кунимиз, иқтисодиётимизнинг ривожланишида амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар, катта қурилишлар ва молиялаштиришлар, Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка кўрсатиб турибди. Зеро, мустақил пул тизимига эга бўлмасдан иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат барпо этиш мумкин эмас.

Ҳар бир давлатда пулга юклатилган вазифаларни самарали бажарилиши иқтисодий ва ижтимоий ўсишни рағбатлантиради, пул қадрини тушиши эса тартибсизликка, жамият ривожланишида бошқа тўсқинликлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Пулнинг барқарорлиги деганда, пулнинг сотиб олиш қийматининг ўзгармаслиги ва валюта доимийлиги тушинилади.

Пулнинг сотиб олиш қобилияти шу пул бирлигига тўғри келувчи товар ва хизматлар миқдори билан ифодаланади. Бинобарин, пулнинг сотиб олиш қобилиятини ифодаловчи “кўрсаткич” товарлар ва хизматлар баҳоси (ошадиган бўлса бу ҳол пулнинг сотиб олиш қобилияти тушганини кўрсатади ва аксинча) ҳисобланади. Агар товар ва хизматлар баҳоси барқарор бўлса, пулнинг сотиб олиш қобилияти ҳам барқарор бўлади. Агар пул ўзгармаган шароитда товарлар баҳоси ошадиган бўлса, бу ҳол пулнинг сотиб олиш қобилияти тушганини кўрсатади ва аксинча, товар ва хизматлар баҳосининг тушиши пулнинг сотиб олиш қобилияти ошганлигидан далолат беради.

Демак, пулнинг қадри товарлар ва хизматлар баҳосига тескари пропорционал – нарх пасайса, пул қадри ошади ёки нарх ошса пулнинг қадри тушади.

Пул товар бўлганлиги учун ҳам унга талаб ва таклиф таъсир қилади. Пул таклифи муомалага чиқарилган турли шаклдаги пулларнинг йиғиндиси бўлиб, у талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Муомалага чиқарилган пул миқдори пулнинг айланиш тезлигига қараб ҳам ўзгариб туриши мумкин.

Пулга бўлган талаб мамлакат пул айланмаси асосида аниқланади. Пул талаби корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, аҳоли, давлат ташкилотлари олиб борадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз айланма учун зарур пул миқдори асосида аниқланади. Пулга бўлган эҳтиёж хўжалик субъектлари – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида бўладиган пуллик жараёнларнинг кўламига ва тезлигига боғлиқ. Пулни қўллаш йўли билан бажариладиган жараёнларнинг кўлами қанча кенг бўлса, пулга бўладиган талаб шунча кўп бўлади. Агар пул билан боғлиқ операциялар тез бажарилса, пулга бўлган талаб шунча кам бўлади. Пулга бўлган талаб ва таклифнинг тенглиги пул мувозанатини билдиради. Пулга бўлган таклиф, унга бўлган талабдан ошмаса пул барқарор деб хулоса қилиш мумкин, аксинча бўлса пулнинг қадри тушиб кетади ва пулдан қочиш жараёни бошланади. Амалиётда пулни жамғаргандан кўра уни товарларга айлантириб қўйиш ёки бир бошқа кадрлироқ валютани бошқариш қулай бўлиб қолади.

Пулнинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан яна бири бюджет тақчиллигининг бўлмаслигидир. Давлат бюджети харажатларининг даромадларидан ошиб кетиши натижасида юзага бюджет тақчиллиги муомалага товарлар билан таъминланган пуллар чиқариш ҳисобидан қопланади. Бу тадбир муомалада таъминланмаган пулнинг кўпайишига, оқибатда пул қадрини тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат пул тақчиллиги бўлмаслиги учун ёки унинг салмоғини сезиларсиз бўлишига эришиши керак.

Пулнинг барқарорлигини таъминлашнинг яна бир йўналиши бу олтин–валюта захираларининг мавжудлиги ва уларнинг кўпайишидир. Олтин–валюта захиралари қанча кўп бўлса, пул шунча барқарор бўлади.

Пул ҳақида мулоҳазани давом эттирадиган бўлсак, ўтган аср олимлари пул – бу товарларнинг товари деб ифодалашга ва унинг қуйидаги хусусиятларини ифодалаб беришган.

Биринчидан, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз ифодасини топади.

Иккинчидан, пулда ифодаланган аниқ меҳнат асосий абстракт меҳнат талаб қилади.

Учинчидан, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади.<sup>3</sup>

Шунга асосланган ҳолда, пул ҳам товар, лекин бошқа товарлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлган махсус товар деган хулосага келиш мумкин. Унинг махсус товар сифатида хусусияти шундаки у барча товарларнинг қийматини ўзида ифода қилувчи умумий эквивалент ҳисобланади.

XX аср ўрталарида халқаро иқтисодий молиявий ва валюта муносабатлари ривожланиши янги кучланиш олди. Валюта муносабатлари миллий ва халқаро даражада амалга оширилади. Миллий даражада улар миллий валюта тизимлари соҳасини қамраб олади. Миллий валюта тизими – бу валюта қонунчилиги билан белгиланадиган давлат валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир.

Пул муомаласини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари қуйидаги ҳуқуқларга эга

\* Марказий банк пул белгиларини муомалага банкнот ва тангалар кўринишида чиқариш борасида мутлақ ҳуқуққа эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага чиқарилмаган пул белгиларини сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларида захира жамғармаларини ташкил этади.

\* Тижорат банкларининг барча филиалларида ҳамда филиалга эга бўлмаган тижорат банкларида мижозларнинг нақд пулларга бўлган талабини ўз вақтида қондириш учун мажбурий тартибда оборот кассалар, шунингдек нақд пул захираси ташкил этилади.

---

<sup>3</sup> Ш. Абдуллаева – “Пул, кредит ва банклар” Тошкент. “Иқтисод - молия” 2007й. 7 – бет.

\* Марказий банкнинг Худудий бош бошқармаси тижорат банкининг ҳар бир филиали бўйича, шунингдек филиалга эга бўлмаган ҳар бир тижорат банки бўйича оборот кассадаги нақд пулларнинг энг кўп қолдиги лимитини, нақд пул захираси бўйича эса тижорат банклари билан биргаликда нақд пул маблағларининг энг кам қолдиги лимитини белгилайди.<sup>4</sup>

Нақд пул айланмасини хомчўт(прогноз) қилиш:

- Ўзбекистон Республикасида нақд пул айланмасини хомчўт қилиш
- Ўзбекистон Республикасидаги банклар касса оборотлари хомчўтини тузиш йўли билан амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Марказий банкнинг худудий Бош бошқармалари, шунингдек тижорат банклари тегишли худуд бўйича касса оборотлари хомчўтини амалга оширади ва пул муомаласи ҳолатини таҳлил қилади.
- Республикадаги банклар касса оборотларининг хомчўти республика иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг тахмин қилинаётган ҳисоб-китоби ҳамда республика бюджети кўрсаткичлари асосида тузилади.

Касса оборотлари хомчўти қуйидаги тушум манбалари ва нақд пул бериш йўналишлари бўйича тузилади:

Пул муомиласини ташкил этиш борасидаги олиб бориладиган ишлар:

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисобварақлардан нақд пулларнинг узлуксиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва умуман йиллик иш якунларини

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси МБ Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/1-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 октябрь 1518-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги “ йўриқнома

сархисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади

Тижорат банклари пул муомаласининг ҳолатини мунтазам ўрганадилар ва таҳлил қиладилар ҳамда уни мустаҳкамлаш учун амалий чоралар кўрадилар, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини уларнинг талаби бўйича узлуксиз қондирилишини таъминлайдилар.

Тижорат банклари: жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишга, жисмоний шахслар пул даромадларининг нақд пулсиз тартибда омонатларга ўтказилишини кенгайтиришга, товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларни, шу жумладан банк карталаридан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрадилар;

юридик шахслар билан келишган ҳолда уларнинг кассаларидаги нақд пул қолдиги лимитлари, пул тушумларини банкка топшириш тартиби ва муддатларини белгилайдилар;

нақд пул маблағларининг ҳар куни келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга оширадилар;

ҳақиқатда тушган тушумлар ва берилган нақд пулларнинг касса оборотларининг хомчўт ҳисоб-китобларидан фарқ қилиш сабабларини таҳлил қиладилар ҳамда нақд пул тушумларининг кўпайишини таъминлаш чораларини кўрадилар;

нақд пул захиралари ҳолати ва улардан фойдаланишни тезкорлик билан бошқарадилар, шунингдек бўш нақд маблағлар етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш мақсадида улардан оқилона фойдаланадилар.

Тижорат банкларининг филиаллари ва филиалга эга бўлмаган тижорат банклари пул муомаласининг ҳолатини ҳамда бу ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида пул муомаласини барқарорлаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондиришга қаратилган таклифларни ишлаб

чиқишлари ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари муҳокамасига қўйишлари мумкин.

Марказий банк ва Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармалари зиммасига пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тижорат банкларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг мониторинги юклатилади.

Марказий банк ва Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармалари:

- тегишли ҳудудда пул муомаласига доир ишларни ташкил этадилар ва амалга оширадилар;
- пул муомаласининг ҳолатини ўрганадилар, банкларнинг касса оборотларини таҳлил қиладилар, пул муомаласининг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни жамлайдилар ва тартибга соладилар;
- пул муомаласини мустаҳкамлашга қаратилган тақлифларни тайёрлаб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг жойлардаги давлат бошқарув органлари муҳокамасига қўядилар;
- нақд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашни назарда тутиб, минтақалар ва тижорат банклари филиаллари ўртасида нақд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашни амалга оширадилар;
- тижорат банклари билан биргаликда тижорат банкларининг филиалларидаги нақд пул захиралари ҳажмининг энг кам миқдорини тасдиқлайдилар;
- банкларнинг пул муомаласига доир ишларини таҳлил қиладилар ва уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир бажариш шарт бўлган кўрсатмаларни йўналтирадилар.

Марказий банк ва Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари касса оборотлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича ҳар ойда нақд пул муомаласини таҳлил қиладилар ва минтақада пул муомаласини мустаҳкамлаш бўйича тезкор чоралар кўрадилар.

## **1.2. Миллий валюта тизими элементлари.**

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 122-моддига “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг 11 –моддига, Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1993 йил 3сентябрдаги 952 XII сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ 870 сон фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситасида сифатида Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси “ Сўм ” муомалаға киритилди.

Миллий валюта тизими қуйидағидар билан характерланади:

- \* пул бирлиги
- \* пул айланмаси таркиби
- \* тўлов тизими
- \* пул айланмасини ташкил қилиш ва тартибға солиш
- \* миллий валюта поритети ва курси
- \* пул тизимини ташкил қилиш принциплари
- \* валюта чекловлари мавжудлиги ёки йўқлиги
- \* Давлатнинг ташқи фаолият ҳисоб китобдарини амалға ошириш тартиби ва бошқалар.

Қуйида ушбу элементларни кенгроқ ифодалаб кўрсатиш зарур.

Миллий валюта тизими элементларидан бири

### **\* пул бирлиги**

Миллий валютаси – “сўм” муомалаға киритилди 1994-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида муомалаға киритилган пул бирликлари:

Дастлабки босичда 1994-йил 1-июлдан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 сўм бўлган банкнот (қоғоз пуллар)лар ҳамда қиймати 1, 3, 5, 20 ва 50 тийин бўлган металл тангалар муомалаға киритилди.

Иккинчи босқич: 1997 – йилнинг 1 – мартдан бошлаб қиймати 200 сўм бўлган банкнотлар ҳамда қиймати 1, 5 ва 10 сўм бўлган металл тангалар муомалага киритилди.

Учинчи босқич: 1999 – йилнинг 20 – октябридан бошлаб Жалолиддин Мангубердиннинг 800 йиллик юбилейига бағишлаб қиймати 25 сўм бўлган эсдалик металл тангалар муомалага киритилди.

Тўртинчи босқич: 2000 – йилнинг 15 – майдан бошлаб, 2000 – йил намунасидаги қиймати 1 сўм бўлган тангалар муомалага киритилди.

Бешинчи босқич: 2000 – йил 1 – июндан бошлаб 1999 – йил намунасидаги қиймати 500 сўм бўлган банкнотлар муомалага киритилди.

Олтинчи босқич: 2001 – йилнинг 1 – сентябридан бошлаб 2001 - йил намунасидаги қиймати 1000 сўм бўлган банкноталар ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб 2001 – йил намунасидаги қиймати 5, 10 ва 50 сўм бўлган металл тангалар муомалага киритилди.

Купюраларнинг қиймати ошишига асосий сабаб ўша даврларда инфляция туфайли сўмнинг қадри пасайиб натижада сотиб олиш қобилиятини пасайишига олиб келган. Майда купюралар муомалада ноқулайликлар туғдира бошлаган яъни, ҳажми жиҳатдан. Шу сабабли 200, 500, 1000 сўм қийматли банкнотлар чиқариш зарурияти туғилган.

Еттинчи босқич: 2002 – йилнинг 1 – ноябридан бошлаб Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган 2002 – йил намунасидаги қиймати 50 сўм бўлган металл тангалар муомалага киритилди.

Саккизинчи босқич: 2011 – йилнинг 1 – сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган 2011 йил намунасидаги 500 сўм бўлган металл тангалар муомалага киритилди.

**\* пул айланмаси таркиби:**

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил

килишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолияти жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айирбошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлашнинг ўзи эса пул айланишининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар, жумладан, пенсия фонди, суғурта фонди, солиқ идоралари, банк муассасалари билан бўладиган пулли муносабатлар вужудга келади.

Пуллик муносабатларда пул шаклларида фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулли ва нақд пулсиз айланишига бўлинади. Чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пуллар айланишига коммунал хизматлар учун тўловлар, маиший хизматлар учун тўловлар, ишчи – хизматчиларга иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларга бадаллар тўлаш, уй-жой ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 70-80 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақдсиз пул ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи-назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шаклларининг кўпайиши ва турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг кенгайиб бориши асос бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялари бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул

маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа ўтказиш орқали амалга ошириш тушунилади.

**\* Тўлов тизими**

Ўзбекистонда тўлов тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи

- Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар тўлов тизими асосан қоғоз кўринишидаги почта ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган тизим эди. 1990 йилларгача собиқ Иттифок иқтисодиёти «Банклараро ҳисоб-китоблар» термини ишлатилмас эди. Банклараро ҳисоб-китоблар давлат банкида очилган марказлашган тартибдаги вакиллик ҳисобварағи орқали олиб борилган.
  - Банк муассасалари ўз филиаллари билан 1933 йилда киритилган МФО (филиаллараро оборотлар) бўйича ички ҳисоб-китобларни олиб борганлар.
  - Пластик карточкаларни кенг муомалага жорий этилиши қуйидаги муаммоларнинг олдини олиш имкониятини беради:
  - аҳолининг ойлик маош ва бошқа тўловлар бўйича нақд пулга бўлган талабини бирмунча камайтириш;
  - чакана савдо соҳасида ҳисоб тизимини такомиллаштириш, унинг софлигини ва тўлиқ солиққа тортилишини таъминлаш;
  - муомала харажатларини қисқартириш;
  - қоғоз ва танга пулларини эмиссия қилиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларни камайтиришнинг қисқариши пировард натижада эса инфляция ўсиш суръатларининг камайишини таъминлаш;
  - нақд пул билан нақд бўлмаган пул ўртасидаги тафовутга барҳам бериш.
- Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича бошқарув ахборот тизимига ўтиш 2003 йилнинг сентябрь ойида ниҳояга етказилди.. Натижада қуйидаги натижаларга эришилди:

- кунлик тўловларни ўтказиш учун банд бўлган маблағларнинг бир қисмини бўшашига, шу билан бирга бўшаган маблағларни тегишли активларга жойлаштириш имкони яратилди;
- банк филиалларида бутун кун давомида пайдо бўладиган таваккалчиликларни кузатиб, уни ўз вақтида бартараф этиш мумкин бўлди;
- банкнинг юкоридан пастга, пастдан юкорига бўлган ҳар бир жараёни тизим орқали кузатиш мумкин бўлди;
- банк филиалларининг қай бири заиф, қай бири мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва тез, оператив равишда чоралар кўриш имкони яратилди;
- банкнинг ягона кундалик баланси унинг ликвидлиги,
- таваккалчиликлари, мажбурияти, капитали қандай даражада эканлиги
- аниқ кўриш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Тўлов тизимининг турлари:

- банклараро тўлов тизими;
- банкнинг ички тўлов тизими;
- чакана тўловлар тизими.

Тўлов тизимининг аъзолари электрон тўловларни амалга оширганлик учун ҳақ олишга ва қонунда белгиланган ҳолларда тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Тўлов тизимининг аъзоси - банк тўлов тизимидан фойдаланувчининг топшириғига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг операция куни мобайнида тушган бўлса, амалга ошириши шарт

Тўлов тизими назорати ва тартибга солиш йўллари.

- Банк эса нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича назоратни нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли бўйича операцияларни амалга ошириш даврида олиб боради. Энг аввало, ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг

тўғри ва тўлик расмийлаштирилганлиги ҳамда ўз вақтида такдим этилаётганлиги текширилади.

- Ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилаётганда асосий эътибор ҳисоб-китоб ҳужжатларининг товарлигини назорат қилишга қаратилади.
- Республикада корхона ва ташкилотлар ўртасида тўлов интизомини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони қабул қилинди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўловлари тўланиши мажбурийлиги, тўлов топшириқномаларида катъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби, аванс тўловининг миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланди.

#### Марказий банк роли

Тўловлар тизимини ривожланиши билан Марказий банк барча тижорат банклари билан биргаликда тўлов ва ҳисоб-китоблар тизимини қайта қуриш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Тўлов тизимини ташкил қилиш, уни бошқаришда республика Марказий банки миллий тўлов тизимини ривожланиш истикболларини белгилайди. Шу билан бирга тўлов тизими иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Барча банклар, молиявий институтлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар фаолиятини назорат қилади.

#### **\* пул айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солиш**

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг иқтисодий асоси бу моддий ишлаб чиқаришдир. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида жўнатишган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилади. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблар, давлат, ижтимоий суғурта, муассасалари, суд, арбитраж идоралари билан ҳам ҳисоб - китоблари юзага Юқоридаги ҳисоб -

китобларнинг асосий қисми нақд пулсиз ҳисоб - китоблар асосини ташкил этилади.

Нақд пулсиз пул айланиши пулли муносабатлар иштирокчиларининг ҳудудий жойлашувига кўра бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги бир ёки турли банклар хизматидан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар ўртасида юзага келадиган нақдсиз пул айланиши бир шаҳар ичидаги нақд пул айланиши дейилади. Турли шаҳарларда жойлашган банкларнинг хизматидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида юзага келадиган пул айланиши шаҳарлараро нақдсиз пул айланиши дейилади.

Товар операциялари ҳамда нотовар операциялари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг турли шакллари ёрдамида амалга оширилади. Бу шаклларнинг ҳар бири ҳужжатлар айланиши, мазмуни жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига кўра хўжаликлар ўртасидаги ўзаро китоблар нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг қуйидаги шакллари асосида амалга оширилади:

- ▶ тўлов топшириқномаси;
- ▶ тўлов талабномаси;
- ▶ аккредитивлар;
- ▶ инкасса топшириқлари;
- ▶ ҳисоб чеклари;
- ▶ мемориал ордер;
- ▶ пластик карточкалар.

Тўловчи ва маблағ олувчи томонлар орасидаги ҳисоб - китоб қилиш учун танланган шакл хўжалик шартномаси асосида белгиланади. Ҳисоб - китоб шакллари бу ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, ҳисоб - китоб ҳужжатининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш усули бир биридан фарқ қилувчи ҳисоб - китоб турларидир.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоб ҳужжатларининг ҳар бири белгиланган тартибда расмийлаштирилгандагина банк томонидан ижро учун қабул қилинади. ҳар бир ҳужжат шакли талабларга жавоб берадиган ҳолда расмийлаштирилиб, унда қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт:

- ҳисоб-китоб ҳужжатининг номи;
- ҳужжатнинг номери ва расмийлаштирилган сана;
- тўловчи корxonанинг номи, банкдаги ҳисобварақ номери, унга хизмат курсатувчи банк номи ва банк коди;
- пул олувчи корхона ёки ташкилот номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номери, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва банк коди;
- тўлов суммаси;
- тўлов мақсади.

Ҳужжатлар корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва корхона муҳри туширилган бўлиши шарт. ҳужжатлар банк томонидан банк операция куни давомида ижро учун қабул қилинади ва шу куни балансдан ўтказилади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг алоҳида шаклларини қуйида кўриб чиқамиз.

#### **\* миллий валюта паритети ва курси**

Валюта курси – бу бир валюта қийматини иккинчи валютада ифодаланиши.

- ▶ Агар миллий валюта қиймати хорижий валютада ифодаланса- тўғри котировка деб айтилади
- ▶ Агар миллий валюта қиймати хорижий валютада ифодаланса-тесқари котировка

Валюта курсига таъсир килувчи омиллар:

- ▶ Тўлов балансининг ҳолати
- ▶ Инфляциянинг ўсиш суръати
- ▶ Капиталлар ва кредитлар оқими
- ▶ Валютага бўлган ишонч
- ▶ Халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси

- ▶ Валюта чекловларининг мавжудлиги
- ▶ Валюта интервенцияси
- ▶ Психологик омиллар

Миллий валюта курсига таъсир қилувчи омиллар:

- ▶ Тўлов баланси.
- ▶ Пулнинг ички ва ташқи таклифи.
- ▶ Фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ.
- ▶ Давлат бошқаруви омиллари

Давлат бошқаруви омилларига эса қуйидагилар киради:

- ▶ солиқлар;
- ▶ квоталар;
- ▶ бож тўловлари;
- ▶ лицензиялар;
- ▶ кредит ва эмиссия сиёсати;
- ▶ баҳоларни бошқариш;
  
- ▶ 2012 йилда Марказий банк томонидан халқаро валюта бозоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.
- ▶ Бунда ички валюта бозорига ташқи омилларнинг салбий таъсирини бартараф этиш ва уни самарали тартибга солиш мақсадида Марказий банк томонидан валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегияси қўлланилди
- ▶ Марказий банк миллий валюта алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун валюта савдоларида хорижий валюталарни сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашиб, интервенция операцияларини амалга ошириб борди. Экспортни рағбатлантириш ҳамда импортни мақбуллаштириш борасида амалга

оширилган чора-тадбирлар натижасида ички валюта бозоридаги операциялар ҳажми 2011 йилга нисбатан 27,2 фоизга ошиб, унинг ҳажми 11,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

- ▶ 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бир АҚШ долларининг номинал қиймати 1985,6сўмни ташкил қилиб, миллий валютанинг номинал девальвацияси 8,5 фоизга тенг бўлди.

1-жадвал

### Курс ўрнатиш мезонлари таҳлили<sup>5</sup>

Курс ўрнатиш усули	Валюта курсининг турлари
1. Белгиланиши бўйича	Катъий белгиланган, сузиб юрувчи, бошқариладиган сузиб юрувчи
2. Ҳисобланиши усули бўйича	тўғри (доллар), кросс курси(колган),
3. Котировка	Тугри, тескари(Б.Британия)
4. Битим тури	Спот – курс, муддатли битим (форвард) курси
5. Ўрнатиш жойига	МБ расмий, биржа, биржадан ташқари
6. Валютанинг сотиб олиш қобиляти нисбатан	Паритетли, оширилган, камайтирилган курс
7. Битим қатнашчилари бўйича	Сотиб олиш курси (сотиб олувчи учун), сотиш курси (сотувчи учун), уртасидаги фарк спрэд
8. Инфляцияни ҳисобга олиш бўйича	Реал,номинал курс, ўртача курс

Ўзбекистон Республикасида валюта курсини барқарорлигини мустаҳкамлаш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

1. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи экспортёрларни 50%ли мажбурий сотувдан босқичма-босқич озод қилиш

<sup>5</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

2. Ташки карздорлиги бор корхоналар учун мажбурий сотув ставкасини пасайтириш
3. Валюта сиёсатини бюджет, молия ва солиқ сиёсатлари билан мувофиқликда олиб бориш
4. ”Қора бозор”ни йўқ қилиш ва валюта курсини Марказий банк томонидан назорат этилиши ҳамда мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун биринчидан нақд хорижий валюта муомаласи борасида мавжуд валюта чекловларини бекор қилиш, иккинчидан, валюта биржаси савдо жараёнида иштирок этувчи субъектлар ва операциялар кўламига бўлган чекловлар бекор қилиниши лозим.
5. Нақд валюта муомаласи, яъни валюта айирбошлаш шаҳобчалари операцияларини соддалаштириш ва ккламини кенгайтириш учун шаҳобчаларнинг сотув ва сотиб олув операцияларига мавжуд барча чекловлар ва сотувчи ҳамда сотиб олувчиларни махсус рқйхатга олиш тартибини бекор қилиш зарур. Бундан ташқари, барча валюта шаҳобчалари нафақат валюталарни олди-соттиси, балки муомала учун яроқсиз бўлиб қолган купюраларни яроқлиларига алмаштириш операциялари билан шуғулланиши лозимлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## **II боб. Марказий банкнинг миллий валюта барқарорлигини таъминлашдаги ўрни.**

### **2.1. Миллий валюта барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.**


Миллий валюта барқарорлигига таъсир этувчи асосий омиллар қуйидагилар:

- инфляция
- фоиз ставкалари

**Инфляция** — бу барча товар ва хизматларга бўлган нарх индексининг кўтарилишидир.

- Иқтисодиётда инфляциянинг юз бериши анча узоқ вақтларга бориб тақалади. Инфляция термини (лотинча *in flatio* — иширилган) биринчи марта Шимолий Америка 1861—1865 йиллардаги граждан уруши даврида ишлатила бошланди. Шу даврда бу термин қоғоз пул муомаласини англатар эди. XIX асрга келиб бу термин Англия ва Францияда ишлатиладиган бўлди.
- Бу Фуқаролар уришни молиялаштириш учун Линкольн пуллари деб аталган “greenbacks”лар муомалага чиқарилган, охир оқибатда, уларнинг миқдори кўп бўлгани туфайли пулнинг қадрсизланиши вужудга келган.
- Асримизнинг бошида АҚШ президенти К.Куллидж «Инфляция қарз мажбуриятларидан тониш, давлат банк билетларини бекор қилиш» деб таъриф беради.
- Америкалик социолог Жон Гелбрайт инфляцияни таърифлаб, «Пулнинг товар орқасидан қувиши» деган эди.
- Инфляциянинг нисбатан умумий ҳамда анъанавий таърифи қуйидагича: Инфляция — муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пул қадр-қиймати яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрўсизланишидир.

- Россия антиинфляцион сиёсатининг назарий асосларининг марказида америкалик машҳур иқтисодчи, Дж. Сакс қуйидагича ифодалаган ғоя ётади: “инфляция пул таклифи пул талабидан ошиб кетган вазиятларда юзага келади”. Дж. Саксининг фикрига кўра, ер юзиди пулнинг қадрсизланишига бошқа бирор сабаб бўлмаган, йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.



1-расм. Инфляцияни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар<sup>6</sup>

<sup>6</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.



2-расм. **Инфляцияга таъсир этувчи омиллар таҳлили**<sup>7</sup>

**Инфляциянинг даромад тақсимотига таъсири.**

Нархлар ўсиши билан олинган даромаднинг абсолют ҳажми ҳам ошади. Номинал даромад - бу инсоннинг иш ҳақи, пенсия ва бошқа кўринишларда оладиган даромадидир. Ҳақиқий даромад – бу номинал даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажми.

Турли ижтимоий қатламлар инфляциянинг критик нуқталарига бир вақтнинг ўзида тўқнаш келмаслиги сабабли биринчи бўлиб ҳақиқий даромадлари камайишидан белгилаб қўйилган даромад – пенсия, стипендия ва ҳ.к. олувчилар зарар кўрадилар. Даромадларнинг бундай турлари инфляция жараёнининг илк босқичларидаёқ қадрсизланадилар.

**Инфляциянинг жамғармага таъсири**

Инфляция жамғармани камайтиради. Қадрсизланиш бир йўла икки

<sup>7</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

йўналишда рўй беради: реал пул капиталининг камайиши ва унинг даромадлилигини камайиши. Инфляциянинг илк босқичида омонатларнинг кадрсизланиши унча билинмайди, лекин инфляция оша бориши билан омонатда турган пулларга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажми камайиб боради.


### **Инфляциянинг иқтисодий ўсишга таъсири**

Юқорида айтиб ўтилганидек, юқори даражадаги инфляция иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Нархларнинг паст суръатларда ошиши иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади? Бу масалага турли хил қарашлар мавжуд.

- Кейнс назарияси ва унинг издошлари кучсиз инфляция иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради, деб ҳисоблашади. Секин ва доимий ошиб боровчи нархлар фирмаларга қўшимча фойда олиш ва улар инвестиция қилишдан ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан манфаатдор бўладилар. Бу жараён иқтисодиётда ишлатилмаган ресурслар тугагунча ва нархлар ошишига нисбатан паст ҳолда сақланиб турган ҳолатда давом этаверади.
- Кейнс издошларидан фарқ ўларок, неоклассик назариянинг турли вакиллари ҳаттоки энг паст инфляция ҳам иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашади. Биринчидан, нархлар ошиши натижасида энг аввало омонатчилар омонат қўйиш суръатларини пасайтирадилар, кейин эса уларни камайтирадилар ва истеъмол соҳасига буриб юборадилар. Иккинчидан, нарх ошиши инвестиция жараёнларини тормозлайди. Нархлар ошиши шароитида маҳсулотни сотиш имкониятлари маъхум бўла боради ва бу ҳолатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш хатарли ва маъносиз бўлиб қолади.

### **Инфляциянинг тўлов балансига таъсири**

Инфляциянинг яна бир салбий оқибатларидан бири унинг мамлакат тўлов балансининг ёки экспорт ва импорт орасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф экспортнинг ёмонлашувига олиб келишидир.



3-расм. Инфляциянинг турлари<sup>8</sup>

<sup>8</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Ўзбекистон Республикасида 1994-2012 йиллардаги истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича инфляция даражаси динамикаси<sup>9</sup>**

<b>Йиллар</b>	<b>Инфляция даражаси</b>
1994	1281,4
1995	98,5
1996	111,0
1997	27,6
1998	26,0
1999	26,1
2000	28,2
2001	26,6
2002	21,6
2003	3,8
2004	3,7
2005	7,8
2006	6,8
2007	6,8
2008	7,8
2009	7,4
2010	7,3
2011	7,4
2012	7 фоиздан ошмаган


■ **фоиз ставкалари**

**Марказий банкнинг фоиз сиёсати** – бу марказий банк томондан сўнгги кредитловчи бўғин сифатида тижорат банкларига таклиф этиладиган

<sup>9</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

кредитлар, депозитлар ва бошқа операциялар бўйича фоиз ставкаларни мавжуд иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб ўрнатиш орқали пул бозоридаги талаб ва таклифга ҳамда миллий валюта барқарорлигига таъсир этиш механизми. Бу сиёсатининг асосий икки йўналиши:

- монетар сиёсат: нормал шароитда марказий банклар қисқа муддатли фоиз ставкаларни бошқариш орқали инфляция, ишлаб чиқариш, харажатлар ва иш билан бандликка таъсир этади.
- Сўнгги кредитловчи бўғин функцияси : марказий банклар молиявий саросималикни бартараф этиш мақсадида молия институтларини ликвидлик (қисқа муддатли кредитлар) билан таъминлайди.



4-расм. Марказий банк ҳисоб ставкаси ўзгаришининг банклараро кредит бозоридаги мувозанатига таъсири<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Марказий банкнинг фоиз сиёсати орқали пул массасига таъсир этиш механизми.

Марказий банк расмий фоиз ставкаси пасайган ҳолатда тижорат банкларининг кредитга бўлган талаби ошади. Натижада банк тизимида Марказий банкнинг қарз маблағлари ошади.

Марказий банк тижорат банкларига кредит берилса мамлакатдаги пул массаси қуйидагича ўзгаради:

$$\Delta M = \Delta m \times \Delta MB$$

$$\Delta MB = \Delta BR + \Delta NBR + \Delta C$$

( $\Delta NBR$  ва  $\Delta C$  ўзгармаган шароитда)

$$\Delta MB = \Delta BR \quad \text{natijada} \quad \Delta M = \Delta m \times \Delta BR$$

Сўнгги кредитловчи бўғин функцияси:

- Марказий банклар ўзининг банк резервларини таклиф қилиш монопол ҳуқуқидан фойдаланиб сўнгги кредитловчи бўғин функциясини бажариши шарт.
- Марказий банк томонидан тижорат банкларига қисқа муддатли кредитлар берилиши депозитлар ва кредитлар бўйича йўқотишларнинг ўрнини тўлдиришга, озир оқибатда банкларнинг саросимага тушиб қолишининг олдини олинишига хизмат қилади.

У.Бейжхотнинг “сўнгги кредитловчи бўғин” концепцияси


- Очқича кредитлаш
- Яхши таъминот остида кредитлаш
- Юқори фоизда кредитлаш

АҚШ Федерал Захира Тизими 2007 – 2012 йиллар давомида молиявий саросималикни бартараф этиш мақсадида сўнгги кредитловчи бўғин сифатида жорий қилинган операцион дастурлари:

- TAF (Term Auction Facility)
- PDCF (Primary Dealer Credit Facility)
- TSLF (Term Securities Lending Facility)
- TALF (Terms ABS Loan Facility)

Марказий банкнинг фоиз сиёсати икки хил методда амалга оширилади:

- **Эгри метод** - расмий фоиз ставкасини ўрнатиш
- **Тўғри метод** – кредит бериш, векселларни қайта ҳисоблаш шартларини ўзгартириш орқали қимматли қоғозлар сифатига қўйилган талабнинг ошиши (қимматли қоғозлар қабул қилиш доирасини чеклаш, кредит бериш лимитиникамайтириш)



5-расм. 2007 -2012 йиллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг

қайта молиялаштириш ставкаси ва инфляциянинг йиллик даражаси<sup>11</sup> (фоизда)

Жадвал маълумотларига қўшимча сифатида шуни айтиб ўтиш лозимки, бу кўрсаткичларни 2012 йилдаги ҳолати:

- Қайта молиялаштириш ставкаси – 12 %
- Инфляциянинг йиллик даражаси эса – 7 % ни ташкил этган.

<sup>11</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фоиз сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари:

- Тижорат банкларининг пул маблағларини Марказий банкдаги махсус депозитларга жалб қилиш операциялари ҳажми 1,2 мартагача ошириш мўлжалланмоқда
- 2012 йилда инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичини инобатга олган ҳолда қайта молиялаштириш ставкасини йиллик 12 % даражасида сақлаб қолиш кўзда тутилган.

Марказий банк мамлакатдаги пул муомаласи ҳолатига жавоб берган ҳолда ўзининг фоиз сиёсати орқали мамлакатдаги баҳолар барқарорлиги, устувор макроиқтисодий кўрсаткичлар мувофиқлиги ва молиявий барқарорликни таъминлаши керак. Ўз навбатида бу жарраёнда жамиятнинг барча қатлами вакиллари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланиш муҳим ҳисобланади.

## **2.2. Миллий валюта барқарорлигини таъминлашда Марказий банк томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар.**

Маълумки, иқтисодиётни тартибга солишда давлат бош ислохотчи вазифасини ўтайди. Бироқ, давлатнинг ушбу функциясини маъмурий-бўйруқбозлик тизимидаги давлатнинг иқтисодиётдаги гегемонлиги тушунчаси билан адаштирмаслик керак. Бозор иқтисодиётининг асосий қоидаси шуки, давлат иқтисодиётнинг ривожини учун турли хил сиёсатларни амалга оширади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат сиёсатининг асосий кўринишлари монетар ва фискал соҳаларида амалга оширилади. Қуролни ишлатиш учун қўл керак бўлганидек, давлат ўз сиёсатини маълум органлар орқали амалга оширади. Ушбу органнинг сиёсатни амалга оширишдаги ваколатлари тегишли қонунлар орқали белгилаб берилади. Мавзудан узоқлашмаган ҳолда монетар сиёсатни амалга оширувчи орган – Марказий банклар ҳақида сўз юритсак. (аксарият мамлакатларда монетар сиёсатни Марказий банк амалга оширгани учун, биз ушбу органни Марказий банк деб аташга қарор қилдик)

Марказий банкларнинг тарихан пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига эътибор қиладиган бўлсак, уларнинг тижорат банкларидан анча кеч пайдо бўлганлигига амин бўламиз. Марказий банкларнинг юзага келишига асосий сабаб банк тизимининг бутунлай ишдан чиқиши даражасига етиши, яъни ҳар бир банк ўзича ва ўзи белгилаган миқдорда муомалага турли хилдаги ҳамда турли номиналдаги пул белгилари чиқариши билан юзага келган. Бу ўз навбатида бевосита муомалада товар ва моддий қимматликларга нисбатан пулнинг бир неча баробар кўпайишига ва оқибатда нафақат банк тизимининг, балки бутун иқтисодиётнинг издан чиқишига олиб келган. Бу эса эмиссион банкларнинг марказлаштирилишига олиб келган. Натижада, эмиссия қилиш ҳуқуқини қўлга киритган банкнинг бошқа банкларга нисбатан барқарор ва мустаҳкам бўлиши маълум бўлди. Бу орқали банк тизимида мавжуд бўлиши керак бўлган соф рақобат йўқотилиб, кўзланган натижага эришилмади. Шундан сўнг, иқтисодчи олимлар тижорат

банклари фаолиятини бошқарадиган ва фаолияти жиҳатдан улардан фарқ қиладиган банкни вужудга келтириш зарурлигини англаб етдилар. Шу тариқа марказий банкларнинг вужудга келишига ва уларнинг фаолиятига зарурият туғилди. Шундай қилиб, биринчи Марказий банк 1656 йилда Швецияда, ундан сўнг 1694 йилда Англияда вужудга келди.

Марказий банк банк тизимининг бош банки бўлиб, пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради ва миллий пулнинг барқарорлигини таъминловчи муассасадир.

Марказий банк банк тизимида тартибга солувчи бўғин ҳисобланади, шунинг учун унинг фаолияти пул муомаласини мустаҳкамлашга, миллий валюта бирлигининг барқарорлигини таъминлашга ва сақлашга; мамлакат банк тизимининг ривожланишига ва мустаҳкамланишига; ҳисоб-китобларни самарали ва тўхтовсиз амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ.

Ҳар қандай давлатда Марказий банк ҳукумат банки бўлиб ҳисобланади ва унинг мавқеи ўша давлат қонунлари билан белгиланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз фаолиятини 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга асосан олиб боради. Қонунда Марказий банкнинг мақоми, мақсади ва вазифалари, функциялари, фаолият тамойиллари ўз аксини топган.

Ушбу қонуннинг 1-моддасида Марказий банкнинг мақоми қайд этилган бўлиб, унда: “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс бўлиб, фақат давлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – иқтисодий жиҳатдан мустақил муассаса, ўз харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга”, деб ёзилган.

Шунингдек, Қонунда “Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборат” дейилган. Нархларнинг барқарорлигини таъминлаш ва миллий пул бирлигини хорижий валюта бозорларида айирбошлаш курсининг барқарор бўлишига эришишни кўзда

тутувчи бу мақсад давлатнинг иқтисодий сиёсатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўрни жуда муҳим эканлигини белгилайди.

Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш учун Марказий банк қатор муҳим вазифаларни ҳал этади. Улардан энг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Монетар сиёсатни ва валютани бошқариш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш;
- Банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захирасини сақлаш в уни бошқариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини уюштириш.

Марказий банк фаолиятининг мазмуни унинг функцияларида тўлароқ намоён бўлади. Марказий банкнинг ҳар бир функцияси, унинг мамлакат банк тизимининг бош бўғини, иқтисодиётни пул-кредит орқали тартибга солувчи давлат органи сифатидаги фаолиятининг аниқ бир томонини акс эттириши керак.

Давлатларнинг банк қонунчиликларида ўзаро жиддий фарқлар бўлсада, Марказий банкнинг функциялари ва вазифалари борасида кўпгина умумий ўхшашликлар мавжуд. Бу ўхшашликлар айниқса, бир қатор ривожланган давлатларнинг марказий банклари функцияларида намоён бўлади.

Ривожланган мамлакатлар марказий банкларининг деярли барчаси бажарадиган анъанавий функцияларга қуйидагилар киради:

- Эмиссия функцияси;
- “Банкларнинг банки” функцияси;
- “Давлатнинг банки” функцияси;
- Олтин-валюта захираларини бошқариш функцияси.

Умуман олганда ривожланган мамлакатлар Марказий банклари иқтисодий таъсир қилишнинг маълум бир усулларида фойдаланадилар. Анъанавий тарзда уларга қуйидагилар киради:

- дисконт (ҳисоб) ва гаров сиёсати;
- мажбурий захиралар сиёсати;
- очик бозордаги операциялар сиёсати;
- депозит сиёсати;
- валюта сиёсати ва шу кабилар

Лекин стандарт усуллар йиғиндисининг таркиби ва улардан фойдаланиш турли давлатлар банкларининг қатор шарт-шароитларига боғлиқ, уларнинг қўлланилиши ҳам ҳар бир давлатда турлича бўлиши мумкин.

АҚШ, Япония, Германия, Англия, Франция, Италия ва Канада каби иқтисодий жиҳатдан ўта тараққий этган ва ривожланган молия бозорига эга давлатларда ҳамда Европа мамлакатларида пул массасини ва пул бозорини тартибга солишда монетар сиёсатнинг билвосита инструментларидан кенг фойдаланилади. Бундай шароитда ушбу давлатлар пул массасини, катта миқдордаги молиявий ресурслар ҳаракат қилаётган молия бозорини ва хорижий инвестицияларни бошқаришда катта тажрибага эга.

Ушбу давлатларда ва умуман жаҳон иқтисодий амалиётида бугунги кунда пул массасини ва пул бозорини самарали бошқариб туриш учун очик бозордаги операциялар, ҳисоб ставкаси сиёсати (дисконт сиёсати) ва мажбурий резервлар меъёрини ўзгартириш каби билвосита инструментлардан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги асосий функцияларни бажаради.

1. Иқтисодий пул-кредит дастаги ёрдамида бошқариш;
2. Ҳисоб-китоб ва пул ўтказиш операцияларини бажаришни йўлга қўйиш;
3. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш;

4. Тижорат банкларининг касса захираларини жамғариш ва сақлаш;
5. Расмий олтин-валюта захираларини сақлаш;
6. Ҳукумат учун ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини бажариш;
7. Тижорат банкларига кредит бериш;
8. Пул эмиссияси.

Марказий банк ҳукуматнинг расмий пул-кредит институти сифатида намоён бўлади. Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати, янада аниқроғи давлатнинг монетар сиёсати олиб борилади.

**Монетар сиёсат** – пул-кредит тизимининг иқтисодиётни фаолият кўрсатиши ва ривожланишига жиддий тарзда таъсир кўрсатиш қобилиятига таянадиган иқтисодий сиёсат бўлиб ҳисобланади. Монетар сиёсат валюта курсига, фоиз ставкаларига, банк тизимининг умумликвидлилиқ ҳажмига ва табиийки бутун иқтисодиётга таъсир ўтказиш учун йўналтирилади. Бу вазифаларни ечишда иқтисодиётни барқарор ўсишини ҳамда ишсизлик ва инфляцияни камайишини таъминлаш мақсади ётади.

Марказий банк монетар сиёсати иккита асосий сиёсатдан иборат бўлиб, булар: пул-кредит сиёсати ва валюта сиёсатидир. Ўз навбатида валюта сиёсати пул-кредит сиёсатига бевосита боғлиқ бўлиб, иккала сиёсат ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Кўпгина ривожланган давлатларда валюта ва пул-кредит сиёсатини ажратишмайди ва биттагина термин – “Монетар сиёсат” деб аташади.

***Монетар сиёсатнинг асосий мақсади*** миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб оралиқ ва пировард мақсадларни ажратиш мумкин.

Монетар сиёсатни амалга оширишнинг оралиқ мақсадлари миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш, муомаладаги пул массаси

ҳажмини тартибга солиш, молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш бўлса, пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Монетар сиёсатнинг оралиқ мақсадларига эришиш орқали пировард мақсадларга эришишни мумкин.

Монетар сиёсат концепциясининг якуний ҳамда оралиқ мақсад ва вазибалари жадвалда келтирилган.

Монетар сиёсат йўналиши	Пировард мақсадлар		Оралиқ мақсадлар	
	Кўрсаткич/индикатор	Муассаса сектори	Кўрсаткич/индикатор	Муассаса сектор
Инфляцияни пасайиши	Инфляция суръатлари	Умуман иқтисод	Ялпи пул массаси	Умуман иқтисод
Балансга келтирилган тўлов баланси	Айрибошлаш курси	Ташқи сектор	-Ҳақиқий айрибошлаш курси; -давлат резервлари; захираси	-Монетар ҳукуматлар; -банк тизими
Молия тизими ривожланиши ва барқарорлиги	Монетаризация даражаси	Банк тизими	-Активлар тузилмаси ва ҳажмлари; -мажбуриятлар тузилмаси ва ҳажмлари; -молиявий воситачилик кўрсаткичлари	Банк тизими
Барқарор иқтисодий ўсиш	Ҳақиқий ЯИМ ўсиш суръатлари	Умуман иқтисодиёт	Пулга бўлган талаб	Умуман иқтисодиёт
Тузилмавий ислохотлар	Янги ва устун тармоқлар ўсиши суръатлари	Янги ва устун тармоқлар	Янги ва устун тармоқларга банк кредитларини ҳажми	Янги ва устун тармоқлар

Йирик ва кичик корхоналар молияларини барқарорлаштириш	Корхоналар рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги ўсиши	Асосий йирик ва ўрта корхоналар	Банк кредитлари ҳажми	Асосий йирик ва ўрта корхоналар
--	--	---------------------------------	-----------------------	---------------------------------

**6-расм. Монетар сиёсат концепциясининг якуний ҳамда оралиқ мақсад ва вазифалари чизмаси<sup>13</sup>**

Монетар сиёсат икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Биринчи йўналиш – кредит экспанцияси бўлиб, бу сиёсат пул-кредит эмиссиясини рағбатлантириш ўли билан олиб борилади, яъни ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетган ҳолда конъюнктурада ривожланишга эришиш мумкин. Иккинчи йўналиш – кредит рестрикция сиёсати бўлиб, у иқтисодий ўсиш даврида пул-кредит эмиссиясининг қисқаришига асосланади.

Монетар сиёсатнинг икки хил кўринишини ажратиш мумкин. Биринчиси, “юмшоқ” пул-кредит сиёсати деб аталувчи сиёсат бўлиб, уни яна “қадрсиз пуллар” сиёсати деб ҳам аташади. Бунда Марказий банк:

а) очик бозорда давлат қимматли қоғозларини уларга тўловни аҳоли ҳисобрақамларига ва тижорат банклари заҳираларига ўтказиш орқали сотиб олади. Бу тижорат банклари кредитлаш имкониятларини кенгайтишини ва пул массасининг ошишини таъминлайди;

б) ҳисоб ставкаси фоизини пасайтиради, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини кенгайтиради ва паст фоиз ставкаларида ўз мижозларини кредитлаш ҳажмини оширади.

в) банкларнинг мажбурий заҳира меъёрларини пасайтиради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторнинг ошишига ва иқтисодиётни кредитлаш имкониятларининг кенгайтишига сабаб бўлади. Демак, “юмшоқ” ул-кредит сиёсати пул массасини ошириш ва фоиз ставкаларини тушириш орқали

<sup>13</sup> манба: О.Номозов «монетар сиёсатнинг ислохотчилик концепцияси» Бозор, пул ва кредит. Журнали 6-сон 2000 йил 64 бет

иқтисодиётни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Иккинчиси, “қаттиқ” пул-кредит сиёсати бўлиб, у “қиммат пуллар” сиёсати деб ҳам номланади. Бунда Марказий банк:

а) очиқ бозорда давлат қимматли қоғозларини сотади, натижада уларга тўлов аҳоли ҳисобрақамларидаги ва тижорат банклари захираларидаги маблағларнинг камайишига сабаб бўлади. Бу эса ўз-ўзидан тижорат банклари кредитлаш имкониятларининг пасайишига ва пул массасининг камайишига олиб келади;

б) ҳисоб ставкаси фоизини оширади, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини пасайтиради ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларини ошишига олиб келади. Бу пул массаси ҳажмининг ўсишни ушлаб туради.

в) банкларнинг мажбурий заҳира меъёрларини кўтаради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторни пасайтиради ва пул массаси ҳажмини чегарлайди.

Демак, қаттиқ пул-кредит сиёсати рестриктив (чекловчи) характерга эга бўлиб, пул массасини ўсишини чегаралайди ва у инфляцияга қарши сиёсат сифатида қўлланилиши мумкин. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўнгги йиллардаги инфляцияга қарши қаратилган сиёсатини келтириш мумкин.

Шунингдек, Марказий банк “тор” ва “кенг” монетар сиёсатни олиб бориши мумкин. “Тор” сиёсатда валюта бозорида интервенция, ҳисоб ставкаси ва қисқа муддатли фоиз ставкасига таъсир ўтказувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курсининг мақбулликка эришиш тушунилади. “Кенг” сиёсатда муомаладаги пул массасига таъсир этиш орқали инфляцияга қарши кураш тушунилади. Монетар сиёсатнинг халқаро жиҳатлари валюта курси, валюта резервлари ва тўлов баланси каби масалаларнинг ечимига қаратилган бўлади. Марказий банк рухсат этилган инструментлар ёрдамида пул муомаласини бошқариб боради. Марказий

банкнинг монетар сиёсатининг асосий инструментлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- a) мажбурий захиралар нормаси
- d) валюта сиёсати
- с) дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати
- е) очик бозордаги операциялар сиёсати
- f) Таргетирлаш ва бошқалар;

Юқорида санаб ўтилган асосий инструментларга қисқача шарҳ беришга ҳаракат қиламиз.

3-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида 1994-2012-йиллар мобайнидаги мажбурий захиралар фоиз ставкалари<sup>14</sup>

Amal qilish muddati	Yuridik shaxslarning talab qilib olinguncha va 1 yildan ortiq bo'lmagan muddatli depozitlari uchun	Yuridik shaxslarning muddati 1 yildan 3 yilgacha bo'lgan muddatli depozitlari uchun	Yuridik shaxslarning 3 yildan oshiq muddatli depozitlari uchun(foizda)	Yuridik shaxslarning chet el valutasidagi depozitlari uchun(foizda)
1994 yil 1 maydan	30		10	30
1995 yil 1 yanvardan	25		10	25
1996 yil 1 iyuldan	25		10	
1997 yil 1 dekabrda	20		10	
2000 yil 1 maydan	20			
2005 yil 1 fevraldan	15			5
2005 yil 1 avgustdan	15			8
2007 yil 1 sentyabrda	13			
2008 yil 1 noyabrda	15			
2009 yil 1 sentyabrda	15	12	10,5	Chet el valyutasidagi depozitlar uchun ham shu me'yorlar o'rnatilgan

Tijorat banklarining O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankida depozitga o'tkaziladigan majburiy rezervlari to'g'risidagi Nizom(O'zb Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2009 yil 15 avgustdagi 23/8 -sonli qaroriga bilan tasdiqlangan va Adliya vazirligida 2009 yil 9 sentyabrda 2004-son bilan ro'yxatga olingan)

<sup>14</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида

✓ Мажбурий захиралар сиёсати – Марказий банк томонидан тижорат банкларининг депозит базасига фоиз даражасида ўрнатиладиган мажбурий захиралар яратиш талабидир.

Мажбурий резервлар бевосита кредитлаш имконияларини чегаралайди ва депозит эмиссиясини қисқартиради. Шу билан бирга мажбурий захиралар кўп ҳолларда маъмурий инструмент сифатида намоён бўлади. Молия бозорининг ривожланиши натижасида ундан фойдаланиш нисбатан қисқарди. Канада ва Люксембургда бу инструментдан умуман фойдаланилмайди. Баъзи мамлакатларда суистеъмолликка йўл қўймаслик учун мажбурий резервларнинг максимал ҳажми Қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мажбурий резервлар бир томондан, тижорат банкларининг ликвидлилигини оширса, бошқа томондан, уларнинг рентабеллик даражаларини, яъни даромадини пасайишига сабаб бўлади. Демак, шундан хулоса қилиш мумкинки, мажбурий резервлар иккиёқлама роль ўйнайди.

Мажбурий захиралар сиёсати Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири саналади. Мажбурий захиралар сиёсати – Марказий банк томонидан тижорат банкларининг депозит базасига фоиз даражасида ўрнатиладиган мажбурий захиралар яратиш талаби. Мажбурий захиралар сиёсатидан қуйидаги мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилади:

- ✓ Монетар сиёсатнинг инструменти сифатида;
- ✓ Инвестор ва омонатчилар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадларида;
- ✓ Тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир қилиш учун;
- ✓ Пул массасини камайтириш мақсадида ушбу инструмент қўлланилади.

Марказий банк тижорат банклари Марказий банкда ушлаб туришга мажбур бўлган захираларнинг энг қуйи нормасини ўрнатади ва шу восита



## 7-расм. Мажбурий резервлар колдиғи динамикаси<sup>15</sup>

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 207 млрд. сўмга кўпайди. Илк мажбурий захира нормалари АҚШ да 1865 йилда жорий қилинган эди ва ушбу инструмент ҳозирги кунда деярли барча мамлакатларда (Канада, Люксембургдан ташқари) қўлланилмоқда. Мажбурий резервлардан пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида фойдаланиш даражаси, уларга фоиз ҳисоблаш тартиби, мажбурий резервлар меъёрининг миқдори, уларни табақалаштириш каби кўрсаткичлар бўйича мамлакатлар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Бундай фарқларнинг мавжудлиги, асосан, миллий иктисодиётни ривожлантириш хусусиятлари, пул муомаласи соҳасидаги вазият каби омиллар билан таърифланади.

Пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида мажбурий резервлар кўйидаги функцияларни бажаради:

- банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш функцияси;
- тижорат банкларининг кредит эмиссиясини чеклаш функцияси;
- тижорат банки банкрот бўлганда, унинг мажбуриятлари бўйича ҳисоблашиш функцияси.

Марказий банк мажбурий резервлар миқдорини ўзгартириш йўли билан банк тизимининг ликвидлилигига таъсир қила олади.

Иккинчи функциянинг мазмуни шундаки, мажбурий резервлар, мавжуд миқдорлар шароитида, банкларнинг Марказий банк пуллариغا бўлган эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бу эҳтиёжнинг миқдори резерв талаблари қўйиладиган мажбуриятлар суммасининг ўсишига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, улар марказий банкларнинг пуллариغا бўлган барқарор талабнинг юзага келишига олиб келади. Бу талаб пул-кредит сиёсатининг таъсир механизмини кучайтиради, чунки минимал резервларнинг сезиларли даражада

---

<sup>15</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида

тебраниши кредит институтларини Марказий банкка мурожаат қилишга мажбур қилади.

Ҳозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатларда мажбурий резервлар банк тизимининг ликвидлигини таъминловчи восита сифатида эмас, балки банкларнинг кредит фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида қаралмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, минимал резервлар миқдорининг ўзгариши кредит институтларининг кредит фаолиятига сезиларли даражада таъсир қилади.

Мажбурий захиралар иқтисодий усул сифатида, муомаладаги пул массасини чеклаш орқали пул бирлигининг харид қувватини мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда банк ликвидлигини таъминлайди.

Шу билан бирга бу усулнинг маъмурий томони тижорат банклари кредит ресурсларининг камайишига сабаб бўлади. Бу эса тижорат банкларининг манфаатларига тўла мос келмайди, чунки тижорат банклари жалб қилинган депозитларнинг таркибидан қатъий назар, миждозларга фоизлар тўлайди. Баъзи ривожланган давлатларда ушбу усулнинг маъмурий томонини камайтириш мақсадида мажбурий резервларга фоизлар тўланади.

Шундай қилиб, мажбурий резервлар меъёри қанчалик кичик бўлса, муомаладаги пул массасининг ўсиши шунчалик сезиларли бўлади. Бу эса, Марказий банк томонидан пул массасининг ўсишини назорат қилишнинг заифлашаётганлигини билдиради.

Мажбурий резервларнинг Марказий банк томонидан пул массасини назорат қилиш даражасига таъсирини мультипликация жараёни орқали яққол кўриш мумкин. Барча пуллар, муддатсиз депозитлар шаклида бўлади ва ушбу депозитларга нисбатан резерв талабномаси мавжуддир. Демак, Марказий банк пуллар таклифига сезиларли даражада таъсир қилиш имкониятига эга. Яъни у барча пуллар миқдорини оширмоқчи бўлса, резервлар талабномасини оширади, ва аксинча, пуллар миқдорини камайтирмоқчи бўлса, резервлар талабномасининг миқдорини қисқартиради.

Мажбурий захиралар сиёсати ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида Марказий банк монетар сиёсатининг энг аҳамиятли ва таъсирчан воситаларидан ҳисобланишини эътироф этиш зарур

Ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаш ставкаси деб Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади. Бу ссудаларни тижорат банклари айрим кўзда тутилмаган зарурат туғилганда ва молиявий аҳволи мустаҳкам бўлган ҳоллардагина оладилар. Ҳисоб ставкаси қанчалик паст бўлса тижорат банкларида Марказий банкдан кўшимча захираларни олиш имкониятлари шунчалик кенгайди. Ўз навбатида, бу тижорат банкларининг захиралардан янги кредитлар бериш билан пул таклифини кўпайтиради. Дисконт (инглизча Diskount — «чегирма» сўзидан олинган) - банк амалиётидаги ҳисоб ставкаси ҳисобланади.

Дисконт сиёсати — Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати деганда, Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсатининг қуйидаги кўринишлари мавжуд.

1. Ҳисоб ставкаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни (ўтказма вексель) қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

2. Тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматбаҳо қоғозларни гаровга қўйиш орқали кредит олиши — бу ломбард кредити ҳисобланади. Ломбард кредит фоиз ставкаси ломбард ставкаси ҳисобланади. Ломбард ставкаси ҳар доим ҳисоб ставкасидан икки - уч пункт юқори юради.

**Ўзбекистон Республикасида 1994-2012-йиллар мобайнидаги қайта  
молиялаш ставкалари<sup>16</sup>**

Amal qilgan davri	foizda
2011 yil 1 yanvar - hozirgi kungacha	12
2006 yil 15 iyul - 2010 yil 31 dekabr	14
2006 yil 1 yanvar - 2006 yil 14 iyul	16
2004 yil 21 dekabr - 2005 yil 31 dekabr	16
2004 yil 5 iyul - 2004 yil 20 dekabr	18
2003 yil 10 sentyabr - 2004 yil 4 iyul	20
2003 yil 16 iyul - 2003 yil 9 sentyabr	24
2002 yil 1 yanvar - 2003 yil 15 iyul	30
2000 yil 1 iyul - 2001 yil 31 dekabr	24
2000 yil 1 iyun - 2000 yil 30 iyun	27,6
2000 yil 1 may - 2000 yil 31 may	28,8
2000 yil 1 aprel - 2000 yil 30 aprel	30
1998 yil 1 yanvar - 2000 yil 31 mart	36
1997 yil 1 noyabr - 1997 yil 31 dekabr	30
1997 yil 1 yanvar - 1997 yil 31 oktyabr	39,6
1996 yil 1 avgust - 1996 yil 31 dekabr	48
1996 yil 1 iyul - 1996 yil 31 iyul	60
1995 yil 1 avgust - 1996 yil 30 iyun	84
1995 yil 1 iyul - 1995 yil 31 iyul	120
1995 yil 20 mart - 1995 yil 30 iyun	300
1995 yil 1 fevral - 1995 yil 19 mart	250
1994 yil 1 oktyabr - 1995 yil 31 yanvar	225
1994 yil 2 may - 1994 yil 30 sentyabr	150

**Очиқ бозордаги операциялар** – Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари биринчи бўлиб АҚШ, Канада ва Буюк Британияда қўлланила бошланди. Чунки бу мамлакатлар ривожланган қимматли қоғозлар бозорларига эгадирлар. Кейинчалик бу тартибга солиш усулидан қатор Ғарбий Европа мамлакатлари ҳам фойдалана бошладилар.

<sup>15</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Очиқ бозор сиёсати деганда Марказий банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан очиқ бозордан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши ва сотиши тушунилади. Бу - монетар сиёсатнинг ҳозирда кўп қўлланилаётган усули ҳисобланади. Шунингдек, ушбу усул тижорат банкларининг ликвидлик даражасига тезда таъсир ўтказиши оладиган (мослашувчан), амалий ва оператив усул саналади. Бу усулнинг бошқалардан фарқи шундаки, уни заруриятга қараб ва хоҳлаган миқдорда ўтказиш имконияти мавжуд. Бу механизм бозорнинг ривожланиш тенденциясига қараб пул муомаласини барқарорлаштириши мумкин.

Очиқ бозорда амалга ошириладиган операцияларда катта миқдордаги хилма-хил қимматбаҳо қоғозлар иштирок этади. Улардан энг асосийлари сифатида хазина векселлари, фойсиз хазина векселлари, давлат заёмининг облигациялари, саноат облигациялари, Марказий банк томонидан белгиланган бошқа қимматбаҳо қоғозларларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу қимматбаҳо қоғозларнинг бир қисми пул бозорига тегишли бўлса, иккинчи қисми капитал бозорига тегишлидир. Масалан, хазина векселлари пул бозорига тегишли бўлса, саноат облигациялари, давлат заёмлари капитал бозориникидир. Марказий банкнинг очиқ бозорда операциялар ўтказиш ҳуқуқи, қонунда белгиланганидек, унда олди-сотди объекти давлат қимматбаҳо қоғозлари ва Марказий банк ўзи чиқарган қарз мажбуриятлари бўлиши мумкин.

Очиқ бозордаги операцияларни ўтказишнинг анъанавий воситаси бўлиб, Буюк Британия, Германия, Греция, Италия ва Франция каби мамлакатлар учун характерли бўлган давлат қимматли қоғозларидан иккиламчи бозорда фойдаланиш ҳисобланади. Давлат қимматли қоғозлари билан бирламчи бозордаги операциялар Буюк Британияда қатъий ўрнатилган тартиблар асосида ўтказилади. Англия Банки учун очиқ бозордаги операциялар сиёсати иқтисодиётни тартибга солиш дастаги ҳисобланади. Қолган дастаклардан доимий тарзда фойдаланилмайди. Англия банки бу сиёсатни амалга оширган ҳолда иккита асосий операцияга эътибор қаратади: узоқ муддатга

мўлжалланган сиёсатда – давлат заём облигациялари билан операциялар, қисқа муддатга мўлжалланган сиёсатда эса – хазина векселлар билан операциялар ўтказишга эътибор қаратилади.

банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва молия бозори барқарорлигини таъминловчи инструмент сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилиб борилмоқда.

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган давлат ўрта муддатли облигациялари ҳамда Марказий банк облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операцияларини амалга ошириш давом эттирилди.

Ўтган йилда Марказий банк томонидан пул массасини прогноз кўрсаткич доирасида ушлаб туриш мақсадида амалга оширилган стерилизация операцияларининг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 мартага ортиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 5,9 трлн. Сўмни ташкил қилди.



8-расм. Pul-kredit siyosatining bilvosita instrumentlari orqali amalga oshirilgan operatsiyalar hajmining dinamikasi<sup>16</sup>

<sup>16</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида

2012 йилда пул-кредит сиёсати «Монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари»га мувофиқ ҳолда юритилди.

Бунда, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, инфляциянинг тасдиқланган параметрлар доирасида бўлиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатининг бозор инструментларидан кенг фойдаланилди.

Очиқ бозордаги операциялар муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминловчи асосий инструментлардан бири сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Марказий банк томонидан пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда, тўлов балансининг ижобий сальдоси ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операциялари ўтказилиб борилди.

Жумладан, 2012 йилда тижорат банклари маблағларини Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш операциялари ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 мартага ошиб, 5,9 трлн. сўмни ташкил қилди.

2012 йилда иқтисодиётнинг пулга бўлган талаби тўлиқ қондирилгани ҳолда пул-кредит кўрсаткичлари ва инфляциянинг белгиланган мақсадли параметрлар доирасида бўлишини таъминлади.

Ўз навбатида, банк тизимининг барқарорлиги, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларига кўрсатиладиган банк хизматларини янада кенгайтириш, сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган чоратadbирлар банк тизими молиявий воситачилик ролининг мустаҳкамланишига олиб келмоқда

Ҳозирги пайтда ушбу операциялар асосий инструментлардан бири бўлиб, улар энг аввало пул бозоридаги талаб ва таклифни тартибга солиб туришга хизмат қилади. Фараз қилайлик, агар муомаладаги пул массаси ошса, Марказий банк пул массасининг ошган қисмини камайтириш чорасини кўради. Бунда у муомаладаги пул массасини ва тижорат банклари ликвидлигини

тартибга солиш мақсадида тижорат банкларига ва бошқа инвесторларга ўзининг депозит сертификатларини сотади. Шунингдек, Марказий банк очик бозорда РЕПО (қайтариб олиш шарти билан тузиладиган олди-сотди битими), СВОП ва ломбард операцияларини амалга ошириши мумкин. Ушбу операциялар орқали Марказий банк банкларнинг захираларига бевосита таъсир қилади. Бу эса пул мультипликатори орқали пул таклифининг ўзгаришига олиб келади.

Кўпчилик ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Францияда Марказий банкнинг қимматбаҳо қоғозни эмитентнинг ўзидан бевосита сотиб олиши очик бозор операцияси ҳисобланмайди, балки кредитлаш ҳисобланади. Масалан, ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозларини тўғридан-тўғри сотиб олиш Давлат бюджетини кредитлаш ҳисобланади. Ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозлари курсини сақлаш мақсадида амалга ошириладиган жорий операциялар ҳам очик бозор сиёсатига кирмайди.

Очик бозор сиёсатини амалга оширишнинг кенг тарқалган воситаси давлат қимматбаҳо қоғозлари билан иккиламчи бозорда амалга ошириладиган операциялардир.

Марказий банк очик бозорда операциялар амалга ошириш йўли билан банк тизимининг резервларига икки усул билан таъсир қилиши мумкин:

1. Агар Марказий банк кредит институтларининг ихтиёридаги пул массасини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйган бўлса, унда у, очик бозорда қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчи бўлиб қатнашади. Бунда у қимматбаҳо қоғозларга қатъий белгиланган курс ўрнатиши ва курс ўша даражага етиши билан таклиф қилинган барча қоғозларни сотиб олиш йўлидан фойдаланиши мумкин. Ёки таклиф қилинган пайтдаги курсидан қатъий назар, маълум турдаги қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш миқдорини белгилаши мумкин.

2. Агар Марказий банк банк тизимининг резервларини камайитиришни мақсад қилиб қўйган бўлса, унда бозорда сотувчи бўлиб иштирок этади. Бундай ҳолатда ҳам Марказий банк қуйидаги имкониятларга эга:

- Марказий банк маълум курсни эълон қилиши ва қимматбаҳо қоғозларнинг курси ўша даражага етиши билан исталган миқдордаги қимматбаҳо қоғозларни сотиш мажбуриятини олиши мумкин;

- Марказий банк қўшимча тарзда маълум миқдордаги қимматбаҳо қоғозларни таклиф қилиши мумкин. Сиёсат бундай йўсинда амалга оширилганда давлатнинг қимматбаҳо қоғозларидан келадиган даромади кўпаяди. Бунинг натижасида кредит институтларининг давлат қимматбаҳо қоғозларига бўлган қизиқиши ортади, оқибатда тижорат банкларининг кредит ресурслари имконияти камаяди ва банк кредитининг фоиз ставкалари ошади. Фоиз ставкаларининг шу йўсинда ўсиши Марказий банкни қониктирмаса, у яна қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, молия бозорлари ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг марказий банклари давлат қимматбаҳо қоғозлар бозори воситаларидан пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва ўз миллий валюталарининг барқарорлигини таъминлаш учун фойдаланадилар. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелида давлат қисқа муддатли облигациялари катта улушни ташкил этиши қимматли қоғозлар бозори ривожланаётганлигидан ва хусусан унда кредит институтлари фаол иштирок этаётганлигидан далолат беради.

Демак, Марказий банк монетар сиёсати таъсирчанлигини ошириш учун Марказий банкнинг очик бозор операцияларини ривожлантириш лозим. Бунинг учун биринчидан, республикада қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиш, иккинчидан, унга бевосита ва билвосита таъсир этадиган омил — мулкчиликни (хусусийлаштиришни) тўғри ташкил қилиш керак учинчидан, унда иштирок этадиган асосий омма — халқнинг даромадларини ошириш масаласини қайта кўриб чиқиш керак.

✓ **Таргетирлаш** пул массаси ҳажмининг ўзгаришини ўрнатилган усуллар ёрдамида чегаралаш демакдир. Таргетирлашда маълум бир даврда

пул массаси ҳажмининг тахминий юқори ва паст даражаси белгилаб берилади.

Марказий банк таргетирлашни пул муомаласини мувофиқлаштиришнинг бошқа воситалари билан биргаликда олиб боради. Таргетирлашнинг аҳамияти шундаки, маълум бир даврда ҳақиқатда муомалага чиқарилган пул массасини тахминий белгилаб берилган пул массаси билан солиштириш натижасида пул муомаласидаги аҳвол тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин ва олдиндан зарурий чоралар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бу эса ўз навбатида Марказий банк монетар сиёсатининг самарадорлигини таъминлайди.

✓ **Валюта сиёсати** деганда Марказий банкнинг валюта муносабатларини тартибга солиш ва амалга ошириш соҳасидаги тадбирларининг мажмуи тушунилади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий классик инструментларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банк амалиётидан шу нарса маълумки, валюта сиёсати, асосан, кўйидаги: дисконт, девиз сиёсати ва унинг кўринишлари – валюта интервенцияси, валюта захираларини диверсификация қилиш, валютавий чеклашлар, валютанинг алмашув даражасини бошқариш, валюта курсининг тартиби, девальвация, ревальвация каби шаклларида намоён бўлади.

Юқоридаги инструментларнинг тўлиқ мазмуни, вазифалари, аҳамияти ва қўлланилиши ҳақида кейинги бобда батафсил тўхталиб ўтамыз.

Марказий ушбу инструментлар ёрдамида пул ёки асосан банк депозитлари кўринишидаги пул массасига ёки фоиз ставкасига таъсир ўтказиши, таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул-кредит муомаласини тартибга солиб туради.

Юқоридаги усуллар жаҳон банклари амалиётида тан олинган асосий усуллар ҳисобланиб, уларнинг қўлланилиши ҳар бир давлатда турличадир. Масалан, молия бозори ривожланган кўпгина давлатлар – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония очик бозордаги операциялар сиёсатидан

фойдаланадилар. Молия бозори яхши ривожланмаган давлатлар эса асосий инструмент сифатида мажбурий захиралар дастагини қўллайдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий банки муомаладаги пул массасини тартибга солишда асосан мажбурий захиралар ва қайта молиялаштириш ставкаси инструментларидан фойдаланмоқда.

Иқтисодий ўсиш натижаларини, шунингдек, ҳозирги пайтда иқтисодиётимиз олдида турган вазифаларни эътиборга олиб, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий тамойилларини сақлаб, шу асосда ушбу сиёсат воситаларини такомиллаштириб бормоқда. Ҳозирги пайтда Марказий банк учун пул-кредит сиёсати асосий тамойилларини белгиловчи муҳим вазифалардан бири, узоқ муддатли молиявий барқарорлаштириш жараёнига тавсиф бериш, иқтисодиётнинг реал секторига сармоя оқиб киришини кенгайтириш, банкларда аҳоли жамғармаларини ўстириш ва уларнинг ишлаб чиқаришга йўналтирилишини таъминлашдир.

Мазкур вазифаларни бажариш туфайли Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Хусусан, инфляциянинг монетар каналларини камайтириш йўналишида кредит ва фоиз сиёсати ҳамда пул-кредитни тартибга солишнинг бошқа воситалари такомиллаштириб борилмоқда. Қайта молиялаш кредитларини кимошди савдолари орқали жойлаштириш амалиёти тобора кенгаймоқда. Бу эса ўз навбатида, банк тизимида бозор тамойилларини ривожлантиришни янада фаоллаштиради. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ноинфляциявий маблағларни кенгайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Марказий банк ўз олдида турган мақсад ва вазифаларга ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган даражаларига эришиш учун пул-кредит соҳасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади.

1. Марказий банк пул-кредит сиёсатини фискал сиёсат билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боради.

2. Марказий банк пул агрегатлари динамикасини жорий ва кутилаётган инфляция даражасига ҳамда валюта курси бўйича кўзда тутилган кўрсаткичларга мос равишда тартибга солиб туради.

Пул-кредит сиёсатининг тезкор кўрсаткичлари сифатида резерв пуллар, Марказий банк томонидан ҳукуматга ва тижорат банкларига бериладиган кредитлар белгиланади. Бу кўрсаткичлар бўйича чораклик ва ойлик чегаравий мўлжаллар ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши доимий назоратга олинади.

3. Марказий банкнинг қайта молиялаш механизми ишлаб чиқариш тармоқларининг кредит ресурсларига бўлган талабини қондиришга ва таркибий ўзгаришларни таъминлашга йўналтирилган инвестиция дастурларини устувор равишда молиялашга хизмат қилади.

4. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси пул бозоридаги талаб ва таклифдан ҳамда жорий ва кутилаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5. Таклиф этилаётган умумий пул ҳажмини бошқариш мақсадида банк тизимининг ликвидлиги ва пул базасининг шаклланиши устидан ўрнатилган мониторинг ишларини олиб боради.

6. Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумати қарорлари асосида банк тизимини тубдан мустаҳкамлашга, уларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтиришга, банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналар, хусусан хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес корхоналарининг чинакам ҳамкорига айланишига, хорижий банклар билан ҳамкорликни янада кенгайтирилишига алоҳида эътибор қаратилади.

7. Марказий банк пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида очиқ бозордаги операцияларни, жумладан иккиламчи бозордаги операцияларни янада ривожлантиради. Шунингдек, аҳоли бўш маблағларини

тижорат банклари орқали молия бозорига жалб этиш ҳамда тижорат банкларига бўлган ишончни ошириш чораларини кўради.

Шундай қилиб, Марказий банк монетар сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўлса, у ушбу вазифаларга эришиш учун биз юқорида тўхталган бир нечта вазифаларни бажариши зарур бўлади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, давлат иқтисодий тизими, шунингдек иқтисодиётдаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда монетар сиёсат мақсади ва вазифалари ўзгариб туриши мумкин. Марказий банкнинг валюта сиёсати деганда, унинг валюта муносабатларини тартибга солиш ва амалга ошириш соҳасидаги тадбирларининг мажмуи тушунилади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий классик инструментларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банк амалиётидан шу нарса маълумки, валюта сиёсати, асосан, қуйидаги: Марказий банкнинг валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация, валюта резервларини диверсификация қилиш шаклларида намоён бўлади.

Марказий банк валюта сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли валюта интервенцияси ҳисобланади.

Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиши ёки сотишига валюта интервенцияси дейилади.

Ҳозирги даврда валюта интервенциясидан кўзланган мақсад бўлиб, валюта курсининг қисқа вақт оралигида кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш ҳисобланади. Марказий банклар валюта курсини исталган даражада ўзгартириш имкониятига эга эмаслар, чунки улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Шу сабабли, валюта интервенциясидан мақсад — валюта курсининг кескин тебранишлари оқибатларини юмшатиш ҳисобланади

Валюта интервенцияси расмий олтин-валюта захиралари ёки марказий банкларнинг банклараро "своп" битимлари ҳисобига амалга оширилади.

Мамлакат пул-кредит сиёсати билан боғлиқ интервенциянинг "тозаланган" ва тозаланмаган" турлари мавжуд (биринчи навбатда муомаладаги пул массасига ва фоиз ставкасига таъсир кўрсатиш, масаласи муҳим аҳамиятга эгадир). Пул-кредит соҳасига "тозаланган" интервенция назария жиҳатидан таъсир этмайди, "тозаланмаган"и эса, таъсир этади. Интервенциянинг иккинчи шакли мураккаб саналади ва ундан фойдаланиш кенг тарқалган. Чунки, у пул-кредит сиёсатига валюта бозоридаги талаб ва таклифни ўзгартириш орқали таъсир этади. Давлат одатда ўзининг валюта захирларини қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозлар (масалан, хазина векселлари) ва банк депозитлари кўринишида сақлайди, чунки улар даромад олиб келади. Конверсион операцияларни амалга оширишдан олдин шу кредит воситалари устидан бир неча манипуляцияни амалга ошириш керак сабаби, улар пул муомаласига, фоиз ставкалари даражасига таъсир ўтказиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ҳар қандай интервенциянинг якуний мақсади валюта бозоридаги вазиятни барқарор ушлаб туриш ҳамда валюта курсларини тез тебранишининг олдини олишдир. Валюта бозоридаги барқарор ҳолат биринчи навбатда ташқи иқтисодий алоқаларни, шу жумладан, бутун иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди. Ҳар бир давлат ўз иқтисодий шароитларидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг "очиқлик" даражасидан келиб чиқиб, валюта интервенциясини ўз вазифаларига мослаб амалга оширади.

Валюта сиёсатининг яна бир тури девальвациядир. Девальвация - (лотинча сўздан олинган бўлиб, de - valeo - қадри тушиши маъносини англатади) - миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг тушишидир.

Девальвациянинг келиб чиқишига сабаб бўлиб, инфляциянинг кучайиши ва мамлакат тўлов балансининг салбий қолдиққа эга

бўлиши ҳисобланади. Девальвациянинг юзага келишига қуйидаги икки омил сабаб бўлади:

1. Экспортни рағбатлантиришнинг зарурлиги;
2. Миллий валютанинг расмий курси билан унинг реал харид қуввати ўртасида сезиларли фарқнинг пайдо бўлиши.

Девальвация сиёсатини мамлакат тўлов баланси ёмонлашганда ва мамлакатга импорт оқими сезиларли даражада кўпайганда амалда қўллаш иқтисодиётга ижобий таъсир этади. Демак, девальвацияни қўллаш шарт-шароити юзага келганда, уни дарҳол амалга ошириш лозим, акс ҳолда сунъий равишда курсни қатъий ушлаб туриш бутун иқтисодиётга сезиларли даражада салбий таъсир этиши мумкин.

Ревальвация - (лотинча сўздан олинган бўлиб, ге - valeo - кадри ошиши маъносини англатади) - миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг ошишидир.

Ревальвация қадри кучли валюталарга нисбатан қўлланилади. Масалан, уни Германия, Швейцария, Япония давлатларининг валюталарига нисбатан қўллаш мумкин.

Ревальвациянинг келиб чиқишига сабаб инфляциянинг ниҳоятда паст даражада бўлиши, узоқ вақт давомида мамлакат тўлов балансининг актив бўлиши, ҳамда миллий фирма ва компанияларнинг жаҳон савдо бозорида жуда рақобатбардошлигидир. Ревальвация девальвацияга нисбатан жаҳон амалиётида камроқ қўлланилган.

Марказий банк валюта операцияларининг асосий қисми своп операцияларига тўғри келади. Свop операцияларининг пул бозорига таъсири сезиларлидир. Марказий банк тижорат банкларида своп битимлари бўйича чет эл валютасини, айтайлик, АҚШ долларини сотиб олди, дейлик. Бунда у банклар ихтиёрига Марказий банк пуллари маълум даврга бериб қўяди. Ва аксинча, у своп битими бўйича банкларга АҚШ долларини сотди, дейлик, унда мамлакат пул бозори маълум вақтгача анча ликвидли маблағлардан маҳрум бўлади.

Марказий банк валюта сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у орқали кредит институтларининг ликвидлилигига таъсир кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсати орқали пул бозорига сезиларли даражада таъсир қилиш имкониятига аста-секин эга бўлмоқда, яъни валюта операцияларини амалга ошириш асослари республикамизда тўлиқ мавжуд. Лекин шу билан бирга, валюта сиёсатининг асосий шаклларида пул муомаласини тартибга солишда фойдаланишнинг замонавий усулларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Пул-кредит орқали тартибга солиш механизми кўп ҳолларда мамлакатда банк фаолиятини ташкил қилиш шакллари ва Марказий банкнинг ваколатларига боғлиқ. Марказий банк ўзининг ваколатлари доирасидан келиб чиқиб мамлакатда монетар сиёсатни усул ва дастаклар орқали олиб боради. Монетар сиёсат усуллари дейилганда Марказий банк томонидан пулга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш ҳамда монетар сиёсатни амалга ошириш механизми тушунилади. Монетар сиёсат усуллари - икки турга бевосита ва билвосита турларга ажратилади.

**Бевосита усуллар** - фоиз ставкаларини ёки кредит миқдорини белгилаш ҳамда чеклашдан иборат бўлган маъмурий усуллардир. **Билвосита усуллар** эса, ихтиёрий равишда бозор орқали пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш усуллари дир.

Билвосита усуллар Марказий банкка монетар сиёсат самарадорлигини ошириш, пул массаси, молия бозорини самарали тартибга солиш, давлатнинг кредитни тақсимлаш ва пул-кредит орқали бошқариш жараёнларига аралашувини камайтириш имконини беради. Шунингдек, улар молия бозорининг ривожланишига ва кенгайишига, банкларнинг воситачилик ролини ошириш, капитал қўйилма ва молиявий жамғармалар ҳажмининг кўпайишига қўшимча қулайликлар яратади.

Бевосита усуллар эса, молия бозорида рақобатни бўғиб қўяди, молия соҳасининг ривожланишини сусайтиради, молиявий воситачилик ролини пасайтиради, қатор банклар устидан назоратнинг ўрнатилиши натижасида

алоҳида тармоқ ва ҳудудларда кредитлаштириш самарасини пасайтиради, молиявий ресурсларнинг назорат қилиб бўлмайдиган яширин иқтисодиётга ёки хорижга чиқиб кетишига олиб келади.

Одатда, бевосита усуллар – маъмурий усул, билвосита усуллар – иқтисодий усул деб юритилади.

Бу икки усулнинг бир-биридан фарқи шундаки, иқтисодий усулда Марказий банк кредит муассасаларининг ликвидлиги орқали иқтисодиётга билвосита таъсир ўтказса, маъмурий усулда банклар фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига лимитларни ўрнатади. Молия бозорларининг маъмурий усулларга реакцияси тез ва сезиларли даражада намоён бўлади, шу билан бир пайтда иқтисодий усулларни қўллаш банк тизимида ўз-ўзини тартибга солиш жараёнини ривожланишининг юқори даражасини назарда тутаяди. Умуман олганда, Марказий банк бевосита таъсир усулларидан фақатгина билвосита усуллар ўз вазифасини бажармай қолган ҳолларда фойдаланади. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бевосита таъсир натижаси етарлича юқори бўлиши мумкин. Шу билан бир вақтда, бозор шароитларига қарама-қарши бўлган усуллар, иқтисодий субъектлар уларни четлаб ўтиш йўлларини топмагунича, қисқа муддатдагина ижобий натижа беради.

Монетар сиёсат усуллари ва улардан банк тизимида фойдаланиш хусусиятлари кўпинча мамлакат иқтисодиёти, банк тизими, молия бозорининг ривожланиш даражаси, ҳукумат иқтисодий сиёсати, монетар ҳамда фискал сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқдир. Қуйидаги жадвал орқали бевосита ва билвосита усуллар турларини кўриш мумкин.

Бевосита усуллар	Билвосита усуллар
<i>Фоиз ставкаларини чегаралаш</i>	<i>Очиқ бозордаги операциялар</i>
<i>Мақсадли кредитлар</i>	<i>Мажбурий заҳиралар</i>
<i>Ҳар бир банк учун кредитлаш миқдорларини белгилаш</i>	<i>Валюта своплари ва бевосита олди-сотди операциялари</i>
<i>Ҳар бир банк учун ҳисобга олиш меъёрларини белгилаш ва бошқалар</i>	<i>Қисқа муддатли депозитлар механизми</i>
	<i>Кредит аукционлари</i>
	<i>Ломбард ва овердрафт механизмлари</i>

### 9-расм. Монетар сиёсат усуллари<sup>17</sup>

Ушбу жадвалдан билвосита усуллар сонининг кўплиги, қўлланилиши жиҳатидан бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бевосита турларига нисбатан устунлиги яққол кўринмоқда.

**Бевосита (маъмурий) усулларга** Марказий банк банклар фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига белгилайдиган бевосита чекловлар ёки таъқиқлар киради. Маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўллашда кўпинча қуйидаги воситалар қўлланилади:

- Турли тоифадаги қарзларни беришга ва кредит ресурсларини жалб қилишга лимитлар ўрнатиш;
- Тижорат банкларини филиаллар ва бўлимлар очишини чеклаш;
- Воситачилик ҳақининг, ҳар хил хизматлар кўрсатганлиги учун тарифларни, фоиз ставкалари миқдорларини чегаралаш;
- Банклар фаолиятининг алоҳида йўналишларини лицензиялаш (валюта ва қимматбаҳо металлар билан операцияларни лицензиялаш)

Маъмурий усуллар қоида бўйича режали иқтисодиёт ҳукм сураётган давлатларда қўлланилади. Кўп ҳолларда маъмурий тартибга солиш усулидан бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар ҳам фойдаланган, лекин улар фақатгина глобал иқтисодий инқирозларни бошдан кечираётган пайтлардагина қўлланилган. АҚШда пул - кредит сиёсатининг бундай

<sup>17</sup> Манба: Малумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

инструментларидан Федерал Резерв Тизими Буюк Депрессия даврида, ҳамда корейс уруши пайтида фойдаланган. Россия Марказий банки ҳам баъзи пайтларда бевосита усуллардан фойдаланишни лозим топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтиш иқтисодиётида инфляцияни, ишсизлик даражасини кескин пасайтириш, кредит миқдори ва пул массасини назорат қилиш учун дастлаб пул-кредит сиёсатининг бевосита усулларидан фойдаланилади. Чунки режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки пайтларида ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида албатта турли номутаносибликлар вужудга келади. Ушбу номутаносибликлар инфляция даражасининг ўсиши ва ҳатто шиддатли тус олиши, молиявий ресурслар ва бюджет тақчиллиги, ўзаро қарзлар ҳамда давлат харажатлари ўсиши, ишсизлик муаммоси, тўлов баланси мувозанати бузилиши ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Маълумки, 1991-1994 йилларда ҳам режали иқтисодиётда узок давом этган иқтисодий номутаносибликлар ва инқироз таъсири анча кучли бўлиб, МДҲ мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда қийин иқтисодий ва молиявий ҳолат ҳукм суради. Ушбу вазиятдан чиқиш учун МДҲ мамлакатларида қатор тузилмавий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ айнан бозор муносабатларига мос банк тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди ҳамда етарли даражада ҳукуқий ва иқтисодий асос яратилди. Шунингдек, мустақил монетар сиёсатни амалга ошириш учун қатор иқтисодий ва тузилмавий ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юзага келган иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, объектив ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий чекловлардан келиб чиққан ҳолда 1991-1994 йилларда бевосита усуллардан фойдаланди.

Бевосита усуллардан биринчиси *кредитларни миқдорий чеклаш бўлиб*, бу усулнинг мазмуни шундан иборатки, тижорат банклари Марказий

банк белгилаган кредитлар берилиши нормасини оширишлари мумкин эмас. Амалиётда, Марказий банк мамлакатдаги турли банкларга кредитлар берилиши ўсишининг энг юқори суръатини белгилайди. Демак, кредит орқали тартибга солишнинг бу усули берилган кредитлар суммасига миқдорий чекловларни ўрнатишни билдиради. Берилган кредитларга миқдорларни белгилаш банк фаолиятига таъсир қилишнинг бевосита усули ҳисобланади. Банклар кредитларни ўзларининг анъанавий мижозларига, яъни йирик корхоналарга беришга ҳаракат қилади. Ўрта ва кичик фирмалар эса ушбу сиёсатнинг асосий “жабрдийдалари” га айланади.

Кредитлашни миқдорий чегаралаш усули бир қатор камчиликларга эга. Улардан энг асосийси шуки, бу усул, биринчидан, банк тизими умумий фаолиятини ёмонлашувига олиб келади.

Иккинчидан, кредит чекловлари банк ишида рақобатни сусайтиради, чунки банк ўз захираларнинг қўшимча суммасини Марказий банкнинг фойсиз ҳисобварағида музлатиб қўйишга мажбур бўлади. Шунинг учун бу усулдан фойдаланиш ҳозирги кунда кенг тус олмаган, баъзи бир давлатларда эса умуман бекор қилинган.

Кредитларни миқдорий чеклаш усулидан Англияда 1971 йилгача фойдаланилган. Белгиланган кредит лимитларини бузганлиги учун тижорат банклари Англия банки томонидан турли санкцияларга дучор бўлган. Масалан, юқори ҳисоб фойсларини тўлаш ёки бу лимитларини оширган суммасига тенг бўлган фойсиз счётларга мажбурий ўтказмалар кўринишида бўлган.

Шунингдек, Марказий банк тижорат банкларига турли хил меъёрларни (коэффициентлар) ўрнатади. Уларга тижорат банки капиталининг етарлилиги меъёри, баланс ликвидлилиги меъёри, бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори меъёри ва бошқалар киради. Санаб ўтилган меъёрлар тижорат банклари томонидан амалга оширилиши мажбурий ва уларни тижорат банклари керакли даражада сақлаб туришлари лозим. Шу билан бирга Марказий банк

тижорат банкларига мажбурий бўлмаган баҳолаш меъёрларни ўрнатиши мумкин. Бу меъёрларни тижорат банкларига зарур даражада саклаб туриши тавсия этилади.

Тижорат банклари томонидан банк қонунчилиги, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари бузилганда, шунингдек улар ўз фаолиятида бошқа жиддий камчиликларга йўл қўйсалар ва бу орқали банк акционерлари, омонатчилари, миждозлари ҳуқуқлари камситилса, Марказий банк тижорат банкларига маъмурий таъсирнинг энг оғир чораларини кўради, бу банкларнинг тугатилишига ҳам сабаб бўлади.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига қўлланиладиган маъмурий таъсир систематик характерга эга бўлиши керак эмас, фақатгина мажбурий ҳоллардагина қўлланилиши даркор.

Бевосита усул ўз афзаллик ва камчиликларига эгадир. Унинг афзалликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Улар, айниқса вақтинчалик инқироз шароитларида Марказий банкнинг депозитлар ёки кредитлар нархини ёки максимал ҳажмини назорат қилувчи самарадор восита бўлиши мумкин;

- Улар яхши ривожланмаган молия бозорлари шароитларида ёки Марказий банк билвосита назоратни амалга ошириш учун етарли даражада техник қобилиятга эга бўлмаганда самарали ёки энг қулай чора бўлиши мумкин.

Шу билан бирга бевосита назорат бир қанча камчиликларга эга:

- Ҳар бир банкка қўлланиладиган назоратнинг индивидуал чоралари, молия бозорларида рақобатни тўхтатиб қўяди. Масалан, рақобат банкларга депозитлар бўйича юқори фоиз ставкалари ва кредитлар бўйича паст фоиз ставкаларини таклиф қилган ҳолда янада кўпроқ депозитларни жалб қилишни ва кредитлашни кўпайтиришга туртки бўлади.

- Бевосита назорат чоралари молиявий ресурсларни назорат қилинмайдиган бозорларга (“қора” бозорлар деб номланувчи) ёки чет элга оқиб кетишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, вақт ўтиши билан бевосита

усуллар ўзининг самарадорлигини йўқотмоқда, шунингдек, кредиторлар маблағларини жамғарувчи шахслар уларни айланиб ўтиш йўлларини топмоқда.

Бевосита усул воситалари ҳукумат томонидан кўзда тутилган пул-кредит сиёсатининг мақсадларини режалаш рақамлари бевосита кўрсатиб ўтилган қодаларидан фойдаланиш асосида эришиш учун мўлжаллангандир. Улар ёрдамида банкдан ташқари соҳада вужудга келаётган молиявий шароитлар, яъни фоиз ставкалари ва кредитлар устидан тўғридан-тўғри назорат амалга оширилади.

Монетар сиёсатнинг иккинчи усули **билвосита (иқтисодий) усуллар**дир. Улар жумласига асосан иқтисодий таъсир кўрсатадиган тадбирлар киради. Бу усул кўпроқ бозор иқтисодиётига хос бўлиб, бунда ўз-ўзини бошқариш жараёнларининг ривожланиши ҳар бир кредит муассасасининг микродаражада мустақил пул-кредит сиёсатини амалга оширишни тақазо этади. Бу сиёсатнинг самарадорлиги ва натижалари ҳар бир кредит муассасасининг банк тизимидаги аҳамиятини белгилаб беради ва рақобатни рағбатлантиради.

Иқтисодий усуллар 3 та асосий гуруҳга бўлинади:

- Солиқ усуллари
- Меъёрий усуллар
- Тузатувчи усуллар

Амалда асосан меъёрий ва тузатувчи усуллар қўлланилади. Меъёрий усулларга бажарилиши мажбурий ва меъёрий тарзида ўрнатилган ажратма ва коэффициентларнинг барча турлари киради. Асосий меъёрий инструмент бўлиб кўп ҳолларда пул мультипликатори миқдорини белгилайдиган мажбурий захиралар нормасини келтириш мумкин.

Тузатувчи таъсир Марказий банк томонидан кредит ва қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш орқали амалга оширилади. Бу операциялар Марказий банкнинг ихтиёрига кўра зарур кўламларда ва керакли даврийликда ўтказилади. Тузатувчи таъсир шакли ўзининг

эгиловчанлиги ва тезкорлиги, ҳолатга боғлиқ равишда кредит-депозит эмиссиясига рағбатлантирувчи ёки чегараловчи таъсир ўтказиш мумкинлиги билан ажралиб туради.

Умуман, билвосита усулларга ўтиш жараёни ривожланган мамлакатларда осон кечди. Биринчидан, уларда молия бозори етарли даражада ривожланган бўлиб, Марказий банк билвосита усуллардан янада кенгроқ фойдалана бошлади. Иккинчидан, макроиқтисодий ҳолат асосан мувозанатлашган эди. Учинчидан, фоиз ставкалари тез-тез чекланганлигига қарамадан, одатда улар бозор мувозанатини таъминловчи даражага яқин эди ва жиддий номутаносибликларни келтириб чиқармади. Ривожланаётган давлатларда эса маълум институционал ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар йўқлиги туфайли турли муаммоларни ҳал этишга тўғри келган эди.

Халқаро банк амалиётига мувофиқ билвосита усуллардан фойдаланишга ўтиш жараёни уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда Марказий банк муомаладаги ортиқча ликвидликни камайтириши, фоиз ставкаларига нисбатан қўйилган чекловларни олиб ташлаши керак. Иккинчи босқичда пул-кредит органлари давлатнинг қисқа муддатли ёки Марказий банкнинг қимматли қоғозлари билан очиқ бозордаги операцияларни бошлаши ва фоиз ставкаларининг ўзгарувчан бўлишини таъминлаши зарур. Учинчи босқичда эса пул-кредит органлари пул бозорини, хусусан, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини янада ривожлантириш мақсадида ислохотларни жадаллаштириши керак.

Билвосита усулларни жорий қилиш мамлакатда жиддий иқтисодий ва тузилмавий ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. ХВФ мутахассисларининг таъкидлашларича, билвосита усулларни тўлиқ жорий қилиш ўтиш иқтисодиётининг тугалланганлигини англатади. Ўз навбатида, фоиз ставкаси бўйича чекловлар бекор қилинган ва Марказий банкнинг мақсадли кредитлари умумий кредит ҳажмининг 25 фоизидан ошмаган тақдирдагина билвосита усулларга ўтиш жараёни тугалланган ҳисобланади.

Айни даврда ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатлар банк тизимида пул массаси ҳамда молия бозорларини тартибга солишда очик бозордаги операциялар, ҳисоб сиёсати, мажбурий захиралар сиёсати каби барча билвосита усуллар кенг қўлланилмоқда. Айниқса, очик бозордаги операциялар энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири сифатида кенг фойдаланилмоқда. Ушбу мамлакатларда бозор инфратузилмасининг юксак даражада ривожланганлиги, марказий банклар мустақиллигининг таъминланганлиги, ўз навбатида, монетар сиёсат самарадорлигини янада ошириш учун қулай шароитлар яратмоқда. Ўтиш иқтисодиётидаги давлатларнинг марказий банклари хусусида бундай фикрларни билдириб бўлмайди. Чунки, уларнинг кўпчилигида молия бозорларининг ривожланиши суст даражада, қолаверса, марказий банкларнинг мустақиллиги етарлича таъминланмаган. Ушбу омиллар марказий банкларга самарали монетар сиёсат юритиш имконини бермайди.

### **III боб. Пул таклифи тартибини такомиллаштиришда хориж тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш:**

#### **Миллий валюта баркарорлигини ошириш йўллари.**

Биз юқорида тўхталганимиздек, монетар сиёсатнинг амалга ошириш шакли, шунингдек, унинг усуллари ва йўналишлари турлича давлатларида фарқланади. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий тизими ва давлат иқтисодий сиёсатининг стратегик йўналишларидан келиб чиқади. Бироқ, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, турли мамлакатларда монетар сиёсат нафақат амалга оширилиш шакли ва усулига кўра, балки ушбу сиёсатни амалга оширувчи органлар бўйича ҳам фарқланади. Жаҳон амалиётини кузатиб ва таҳлил қилиб турли давлатларда монетар сиёсатни амалга оширувчи органлар қуйидаги хусусиятларига кўра фарқланишини кўриш мумкин:

Биринчидан, ушбу органлар ўз номланиши жиҳатидан турли давлатларда турличадир. Масалан, Америка Қўшма Штатларида – Федерал Резерв Тизими, Германия ва Қозоғистонда – Миллий банк, Хитойда – Халқ банки, Англияда – Англия банки, Ўзбекистон ва Россияда эса, Марказий банк деб номланади. Уларнинг қандай номланишидан қатъий назар, ҳаммалари Марказий банк ҳисобланадилар. Бу банклар деярли барча давлатларда миллийлаштирилган ва улар давлат мулки ҳисобланади.

Иккинчидан, ушбу органлар монетар сиёсатни олиб боришдаги ваколат доирасига кўра фарқланади. Марказий банкларнинг монетар соҳадаги ваколатлари унинг иқтисодиётдаги ролини белгилаб беради. Кейинги йилларда Марказий банкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда уни мамлакат ҳудудида бўлаётган иқтисодий жараёнларни тартибга солишдаги роли ҳақида мунозарали баҳслар бир неча маротаба ўзининг ривожланиш йўналишларини ўзгартирди ва бунинг оқибатида иқтисодиётдаги банк тизимининг биринчи поғонасида реал ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди, бу эса биринчи навбатда давлат бошқарув органларига бўлган муносабатларда

намоён бўлди. Бу муаммони таҳлил этишда асосий жиҳат — мамлакат Марказий банк сиёсатининг давлат иқтисодий сиёсати йуналишига тобелиги, яъни аниқроғи бу тобеликнинг даражасига боғлиқ. Қачонки, мамлакат Марказий банки сиёсати давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлса, бундай боғлиқликни самарали, деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, шу нарса катта аҳамиятга эгаки, бу иттифок Марказий банк томонидан қанчалик ихтиёрий равишда тузилган ва у кимга ҳисобдор ва банк тизимида пул-кредит сиёсатини тартибга солишдаги усулларни ва йуналишларни танлашда ҳамда қонун бўйича Марказий банк мустақиллиги даражаси ва бунга ҳақиқатда эришилганлигига аҳамият бериш лозим.

Марказий банкнинг мустақиллиги ва иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни кўп ҳолларда миллий урф-одатлардан ва банк тизимининг миллий хусусиятларидан келиб чиқади. Лекин, умумий йуналиш (тенденция)ларни ҳам асосий иқтисодий ривожланган мамлакатларга таққослаган ҳолда кўриб чиқиш мумкин. 70-йиллар ўрталаридан 80-йиллар ўрталаригача бўлган давр мобайнида давлатнинг иқтисодиётга амалий аралашуви натижасида жаҳоннинг кўпгина етакчи мамлакатларида марказий банкларнинг “қудратлилик назарияси” тасдиқланди, марказий банкларнинг обрў-эътибори, нуфузи ўсди ва бу маъмурий бошқарув усулларининг кенгайишида намоён бўлди.

Шу асосда кўрилаётган даврда марказий банклар даражасида халқаро алоқалар муваффақиятли ривожланди. Бунга яққол мисол қилиб, Европа Валюта Тизимининг ташкил топиши ва Европа Марказий банкни тузиш режасини кўрсатиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Марказий банкни тартибга солиш механизмининг характерли хусусиятлари билан худди шу даврда амал қилаётган иқтисодий назариялар йуналишлари ўртасида етарли даражада ўхшашликларни мисол қилиб келтириш мумкин. Давлат аралашуви кучайган даврда (кейнсчилар тарафдорлари назарияси бўйича) Марказий банкларнинг

роли ҳам кучаяди, тартибга солишнинг маъмурий методларини қўллаш кенгаяди, ва аксинча, монетаристлар назариясининг таъсири кучайиши ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг камайиши оқибатида марказий банкларнинг иқтисодиётни тартибга солишда бозор механизмларидан фойдаланишга мажбур бўладилар. Шундай вазиятларда Марказий банк ваколатининг бир қисмини ички пул-кредит ва валюта сиёсатидаги муаммоларни ечиш учун Молия Вазирлигига беради.

Бироқ, Ғарб иқтисодчилари нуктаи-назарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий банкнинг иқтисодиётдаги ўрнини ўзгаришига субъектив омиллар ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин, шу жумладан, ҳатто банк раҳбарининг шахсий сифатларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мисол учун, Ғарбий Европадаги мамлакатлар Марказий банкларининг роли ўзгаришини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда бир қатор иқтисодчилар 70-йилларда Марказий банкларнинг кучайишини шу миллий банк тизимининг бошқарувида кўзга кўринган ҳукумат ва халқаро доираларда обрў-эътибори юқори бўлган молия арбоблари бошқарганлигини таъкидлайдилар. Бунинг оқибатида ўша даврдаги миллий валюта рақобатбардошлигига хавф солувчи ҳукуматнинг иқтисодий чора-тадбирларига қарама-қарши "қаттиқ сиёсат" қўллаш мумкин бўлган эди.

Монетар сиёсатни амалга оширувчи органлар фарқланишидаги учинчи ва энг катта жиҳат, ушбу органларнинг мустақиллиги ҳамда бу органга давлатда берилган иқтисодий мақомдир. У ёки бу Марказий банкнинг ўз фаолиятидаги мустақиллик даражасини аниқлаш учун уларнинг мустақиллик мезони (белгиси)га холис баҳо бериш керак. Хорижий адабиётларда марказий банклар мустақиллигини аниқлашнинг бир неча усуллари қайд этилган. Асосан марказий банкларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги ажралиб (фарқланиб) туради.

Марказий банкнинг мустақиллиги даражасини аниқлашда унинг пул-кредит сиёсатини танлаш ва ўтказишда давлат бошқарув органларига кўпроқ ёки камроқ қарамлигига эътибор берилади.

Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллиги — бу унинг ўз инструментларидан ўзи хоҳлаган йуналишда ва чегараланмаган миқдорда фойдалана олишига айтилади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар марказий банкларининг туркумланиши пул-кредит сиёсати масалаларини ҳал этишдаги мустақиллиги хорижий адабиётларда турли мезонларга қараб амалга оширилади.

Умуман олганда марказий банклар мустақиллигининг устунлигини ўрганиш тадқиқотларида ё субъектив, ёки объектив омилларга баҳо бериб, ажратиш мумкин. Масалан, субъектив омиллар сифатига мамлакат Марказий банки билан ҳукумат ўртасидаги ўзаро расмий муносабатларни ҳамда Марказий банк раҳбарларининг ҳукумат доираси билан бўлиши мумкин бўлган норасмий алоқаларни танлаб кўрсатишган.

Ривожланган мамлакатлар Марказий банклари мустақиллигининг объектив омилларига баҳо беришда қуйидаги мезонларни киритиш мумкин:

- Марказий банк капиталида ва фойдани тақсимлашда давлатнинг иштироки;

- банк раҳбарларини тайинлаш (сайлаш) даги тартиб ва уларнинг фаолият кўрсатиши муддати ҳамда давлат томонидан миллий банкнинг фаолиятини назорат қилиш шакли;

- Марказий банк вазифаларини аниқлашнинг қонунчиликда ёритилиш даражаси;

- Марказий банк раҳбарияти қарорини давлат органлари ўрнатилган қонун билан тўхтатишини ёки давлатнинг умумиқтисодий йуналиши билан Марказий банкнинг пул-кредит доирасидаги тадбирларни тартибга солишнинг мавжудлиги;

- мамлакат Марказий банкининг давлат харажатларини тўғри ва эгри молиялаштиришини тартибга солувчи қонданинг мавжудлиги ва унинг шакллари.

Марказий банкнинг капиталида ва фойдасини тақсимлашда давлатнинг иштироки омили Марказий банк иқтисодий мустақиллигининг қанчалик даражадалигини кўрсатади. Лекин бу қарамлик иккиламчи рол ўйнайди, чунки Марказий банкнинг капитали тўғридан-тўғри давлатга тегишли бўлмаса ҳам, қонунчиликда маълум шарҳ (изох) мавжуд бўлади. Агар мавжуд бўлмаса, давлат эгри усуллардан фойдаланади.

Мисол қилиб, Австрия Миллий банки ҳақидаги қонунни олайлик. Бу банк худди ҳиссадор жамияти шаклида тузилган ва фаолият кўрсатмоқда. Марказий банкнинг 50 фоиз капитали Федерацияга, қолган 50 фоизи капитали австриялик ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга тегишли. Марказий банк капиталига фақат Молия вазирлигидан рухсат олган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларгина улуш қўша олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, ушбу қонунда Марказий банкнинг функция ва вазифалари қонунда кўрсатилган. Шу сабабли улуш эгалари йиғилиши чегараланган масалаларнигина еча олади. Албатта, бу масалалар банкнинг иқтисодий сиёсати билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмайди.

Мамлакат Марказий банкининг капиталида 100 фоиз давлатнинг иштироки — кўпроқ Марказий банк салоҳиятига ва анъаналарига ҳамда улуш эгаларига ҳам боғлиқ. Мисол тариқасида АҚШнинг Федерал Резерв Тизимини ва Германиянинг Федерал банкни кўрсатиш мумкин. Иккала Марказий банк жаҳонда энг мустақил марказий банклар сифатида тан олинган. Шундай бўлсада, Немис Федерал банкининг 100 фоиз капитали Федерацияга, Федерал Резерв Тизими капитали эса, 100 фоиз аъзо банкларнинг тўлиқ мулкига тегишли. Ва аксинча, банклар ва суғурта компанияларининг мулкига тегишли бўлган Италия Марказий банки давлат бошқарув органларига қарамдир.

Бу омилнинг таҳлилидан кўринадики, марказий банклар капитали эгаларининг таркибидан қатъий назар, улар унинг пул-кредит сиёсатидаги мустақиллигига аҳамиятли таъсир кўрсата олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини Германия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Дания ва Россия каби давлатларнинг марказий банклари гуруҳлари қаторига киритиш мумкин, чунки бу гуруҳлар капиталининг 100 фоизи ҳам давлат мулки ҳисобланади.

5-Жадвал

**Марказий банк капиталида давлатнинг иштироки<sup>18</sup>**

Мамлакатлар	Мулклаг илуши, фоизда
Буюк Британия, Дания, Голландия, Россия, Франция, Германия	Давлат мулки — 100 фоиз
Швейцария	Хусусий шахслар мулки — 43 фоиз; Кантон (маъмурий булинма)лар мулки - 57 фоиз
Италия	Банклар ва суғурта компанияларининг мулки - 100 фоиз
АҚШ	Федерал Резерв Тизимида аъзо банкларнинг мулки — 100 фоиз
Япония	Давлат мулки — 55 фоиз; Хусусий шахслар мулки — 45 фоиз
Австрия	Федерация мулки — 50 фоиз; юридик ва жисмоний шахслар мулки — 50 фоиз

Барча мамлакатларда Марказий банкларнинг фаолияти Марказий банк тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Қонунда Марказий банк фаолиятининг барча жиҳатлари ўз аксини топган бўлиши керак.

Чунки, Марказий банк учун ҳукуматнинг бошқа қонун ҳужжатлари “Марказий банк фаолияти тўғрисида”ги қонун олдида устувор эмас.

<sup>18</sup> Манба: Центральный банк в экономической системе государства, журнал «Банковские услуги». Москва, 1999 г., №4, стр. 10.

Марказий банкнинг сиёсий мустақиллигини кўрсатувчи яна бир омил, унинг қонунда кўрсатилган фаолияти даражаси ва мақсадлари ҳисобланади. Бу омил бир томондан, Марказий банк фаолиятини эркинлигига чегара қўйса, бошқа томондан, унинг қонунда кўрсатилган ваколатларини аниқлайди.

Кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатлар (Германия, Швейцария, Франция, Япония, Дания, Австрия)да Марказий банкнинг фаолият доираси ва асосий мақсадлари Конституцияда ва Марказий банк ҳақидаги Қонун ҳамда шу- каби бошқа банклар фаолияти ҳақидаги қонунчиликда ўз Немис Федерал банкининг асосий мақсади ва вазифалари доираси мамлакат Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган. Бу миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш кафолатидир.

Немис Федерал банки ҳақидаги Қонунда бош банк тизими олдига уч асосий вазифа:

- пул муомаласини тартибга солиш;
- иқтисодиётни кредит билан таъминлашни тартибга солиш;
- тўлов айланмасини амалга ошириш қўйилган.

Немис Федерал банкининг вазифалари, мақсадлари ва йуналишига яқинроқ бўлган Австрия Миллий банкни мисол тариқасида келтириш мумкин. Марказий банкнинг вазифаси қонунда умумлашган ҳолда акс этган ва айни вақтда унинг рухсат этилган операциялари аниқ кўрсатилгандир.

Австрия банк қонунчилигининг ўзига хос хусусияти, унинг Марказий банк қонунчилигида қатнашиш ҳуқуққа эга эканлиги ҳисобланади.

Пул-кредит соҳасига тегишли қонун лойиҳаларининг ҳаммаси Марказий банкка кўриб чиқиш учун маълум вақтга берилади ва унинг розилигидан сўнггина тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонунида Марказий банкка пул-кредит сиёсати механизмларини танлашда кенг мустақиллик берилган. Мисол тариқасида, кредитларнинг фоиз ставкасини, банкларга ўрнатилган иқтисодий меъёрларни, қимматбаҳо қоғозлар билан

амалга ошириладиган операцияларни, мажбурий резервлар миқдорини аниқлаш ва шу қабиларни келтириш мумкин.

Бу борада Англия Марказий банки мавқеи ўзгачадир. Унинг асосий вазифалари қонуний тартибда ҳам қайд қилинмаган, шу билан бирга Молия Вазирлигига ҳам бўйсинмайди. Англия Марказий банкнинг вазифалари бу соҳада миллий урф-одатларга таянади, бу эса ўз навбатида Англия банкнинг ташкил топишдаги тарихий ҳужжатларига асосланади.

Бир қатор мамлакатларда, масалан, АҚШ, Швеция, Буюк Британия ва Италияда Марказий банк вазифаларининг таърифи қонунда қайд этилмаган ёки умумий ҳолда кўрсатилган, ҳолос. Шундай бўлса ҳам, иккала гуруҳда жуда мустақил ва шу билан бирга қарамроқ бўлган марказий банклар бордир.

Шундай қилиб, бу омилнинг таъсирини фақат Марказий банкнинг ташкил топиши шароити ва урф-одатлар таҳлили билангина кўриш мумкин. Марказий банкнинг вазифа ва мақсадлари қонунда аниқланиш омили шу сабабли иккинчи даражали рол ўйнайди.

Марказий банк мустақиллигининг белгилловчи омиллардан бири, унинг пул-кредит сиёсатига давлат органларининг аралашшини қонун бўйича қанчалик даражада ўрнатилганлигидадир. Бу омил биринчи галда Марказий банкнинг сиёсий мустақиллигига таъсир кўрсатади.

Мустақиллик даражаси нисбатан паст бўлган марказий банкларга Франция ва Италия марказий банкларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу давлатларда пул-кредит сиёсати йуналишини белгилаши Қонун билан мустаҳкамланган. Марказий банк эса, ҳукумат кўрсатмаларини бажаради ва унга маслаҳатчи вазифасини ўтайди.

Давлатнинг пул-кредит сиёсатига аралашуви қонунда кўрсатилганлиги ва унинг даражаси кенглиги омилига кейинги мамлакатлар гуруҳини Буюк Британия, Голландия, Швеция ва Япония мамлакатлари эгаллайди. Бу мамлакатларда давлат органларининг Марказий банк сиёсатига аралашуви, унга йўл-йуриқ кўрсатиши, унинг қарорини бекор қилиши ва шу қабилар Қонунда аниқ белгиланган.

Англияда давлат билан Марказий банк ўртасидаги муносабатлар 1946 йилда қабул қилинган “Англия банки ҳақидаги қонун”нинг 1-бўлим 4-банди билан тартибга солинади. Шу қонунга мувофиқ, Молия Вазирлиги Марказий банк устидан сезиларли таъсир ўтказиш учун расмий ҳуқуққа эга ҳисобланади.

Англия банки фаолият кўрсатишга нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатишга эга, Дания ва Австрия Марказий банклари эса пул-кредит сиёсати юритишда ҳуқуматнинг аралашувидан мустақиллик даражаси бўйича олдинги ўринларда турадилар. Бу давлатларнинг қонунчилиги ҳуқумат Марказий банкининг пул-кредит сиёсатига аралашувига расмий равишда йул қуймайди, бироқ, марказий банкларни ҳуқуматнинг иқтисодий сиёсатига мослаб сиёсат юритишларини ўзаро мослашиши талаб қилинади.

Австрия Миллий банки фаолияти устидан Молия Вазирлиги назорат олиб боради. Молия вазири банк фаолиятининг қонунийлиги бўйича қонун олдида жавобгардир. У давлат комиссари ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, улар Бош Кенгашнинг йирилишларида ўз овозлари билан иштирок этишлари ҳамда далолатнома ва тушунтириш хатларини талаб қилишлари мумкин. Давлат комиссари Марказий банк Бош Кенгашининг қарорини орқага суришга ҳуқуқи бор, бунда албатта қарор комиссарнинг фикрича, амал қилаётган қонунчиликка зид келиши керак.

Бироқ, Марказий банк қонунда кўрсатилган фаолиятни ва операцияларни амалга оширса, давлат комиссари ҳам Молия вазири ҳам аралашушга ҳуқуқи йуқ. Шу орқали бир томондан, Австрия Миллий банки мустақиллиги қонун билан мустаҳкамланган, бошқа томондан эса, давлат органлари Марказий банк сиёсатига бевосита раҳбар сайлаб ва назорат ўрнатиб, таъсир кўрсатиши мумкин.

Охириги тўртинчи гуруҳ мамлакатларга Германия ва

Швейцарияни кўрсатиш мумкинки, бу давлатларнинг марказий банклари энг мустақил ҳисобланади. Бу мамлакатлар қонунчилигида давлат Марказий банкининг пул-кредит сиёсатига аралашуви кўрсатил-

маган. Швейцария Марказий банкини ҳукумат иқтисодий сиёсатига мослашиши хусусида қонунчиликда қайд қилинмаган. Германияда Марказий банк сиёсати мамлакат ҳукуматидан қонун бўйича мустақил қилиб белгилаб қуйилган. 1924 йилда Германияда бўлган инфляцион инқироз даврида аниқ бўлдики, Марказий банк фаолиятини ҳукумат таъсиридан чегаралаш керак. Германия Федератив Республикаси эмиссия банкининг тўлиқ мустақиллиги 1948 йилда қайта тикланди.

АҚШнинг Федерал Резерв Тизимидан фарқли равишда Немис Федерал банки парламентга ҳисобот бермайди, у ўз фаолияти ваколатини “Немис Федерал банки ҳақида”ги қонунга мувофиқ амалга оширади.

Марказий банк мустақиллигининг бешинчи омилига ҳукуматнинг кредитлашни чегараланганлиги қонунда кўрсатилганлигида намоён бўлади. Ҳукуматнинг кредитлашни чегаралаш Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллигига ҳам, сиёсий мустақиллигига ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ, бу омил фақатгина Марказий банк томонидан ҳукуматни бевосита молиялаштириш тизимининг мавжуд эканлигида аҳамиятлидир. Бундай тизим дунёнинг ривожланган мамлакатларида тарқалган. Мисол тариқасида АҚШ ва Буюк Британияни мумкин. Чунки, бу мамлакатларда давлат тақсимланиши очик бозорда амалга оширилади.

Марказий банк капиталида давлат улушини ва қонунчиликда Марказий банкнинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгиланганлиги юқоридаги тасдиқлар кўришиб турибдики, у Марказий банк мустақиллиги даражасини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнамайди ва улар иккиламчи омиллар бўлиб ҳисобланадилар.

Юқорида қайд этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ривожланган мамлакатлар марказий банклари ўзларини мустақил таъсир ўтказа оладиган институт сифатида кўрсатишлари зарур. Бу бир томондан, уларга қонун асосида рухсат этилган воситалар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солишни амалга ошириш ҳуқуқини беради, бошқа томондан эса,

Миллий банк ва пул тизими манфлатларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади.

Шу муносабат билан Марказий банкнинг иқтисодиётни тартибга солиш жараёнидаги ва умуман иқтисодиётдаги мавқеини, шунингдек, мамлакат ҳукумати билан ўзаро муносабатларини таҳлил қилар эканмиз, унинг пул-кредит тизими ва ҳукумат органлари ўртасида оддий воситачи эмаслигини, балки маълумот, тадқиқот, тартибга солувчи ва назорат қилувчи марказ эканлигини алоҳида таъкидлашни истардик.

## Хулоса ва таклифлар

Юқорида кўриб ўтканимиздек, бозор иқтисодиёти тизимидаги мамлакатларда монетар сиёсатни тўғри амалга ошириш аввало шу мамлакат пул тизимининг барқарорлигига эришилишига ва натижада эса умумиқтисодий барқарорлик даражасига сабаб бўлади. Таъкидлаб ўтканимиздек, давлатнинг монетар сиёсати моҳияти жиҳатидан ҳам, мақсади ва вазифалари жиҳатидан ҳам турли давлатларда фарқ қилади. Ҳар қандай давлатда ҳам монетар сиёсатни бошқарув пакети давлат кўлида бўлган, яъни давлат банки ҳисобланадиган марказий банклар амалга оширади. Биз кўриб ўтканимиздек, деярли барча давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам Марказий банк тўғрисида Қонун қабул қилинган ва унда Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунда Марказий банкнинг бош мақсади қилиб миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш белгиланган.

Марказий банк пул барқарорлигини таъминлаш учун мамлакат пул тизимида (мавжуд фоиз ставкаларига, валюта курсларига ва бошқаларга) таъсир этиш учун бир қанча тадбирларни амалга оширади. Ушбу тадбирлар мажмуаси Марказий банкнинг монетар сиёсати дейилади.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборатдир.

Монетар сиёсат бевосита ва билвосита усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Бевосита усуллар асосан маъмурий усуллар ҳисобланиб, унда Марказий банк мамлакатда банклар фаолиятини тегишли миқдор ва сифат кўрсаткичларига лимитлар ўрнатади, аксинча билвосита, яъни иқтисодий усулларда эса кредит институтлари ликвидлиги орқали иқтисодиётга таъсир

ўтказди. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун кўпроқ билвосита усуллардан кенг фойдаланилади.

Монетар сиёсатнинг билвоста усуллардан фойдаланиш маълум дастаклар орқали амалга оширилади. Жаҳон марказий банклари амалиётида энг кўп қўлланиладиган монетар сиёсат дастакларига қуйидагилар киради:

- Дисконт (ҳисоб) ва гаров сиёсати;
- Мажбурий захиралар сиёсати;
- Очиқ бозор сиёсати;
- Валюта сиёсати;
- Таргетрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имкониятига эга бўлган банкдир ва у фақат парламент органигагина ҳисобот беради.

Марказий банк монетар сиёсат бўйича ўз фаолиятини ҳар йили қабул қилинадиган ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари доирасида олиб боради. Ушбу йўналишларда бир йил муддат учун белгиланаётган зарур чоратadbирлар аниқлаб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки миллий валюта бирлиги ҳисобланган “сўм”ни муомалага киритилган дастлабки йиллардан оқ унинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида тегишли монетар сиёсат инструментларидан кенг фойдалана бошлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси ўтган йиллар мобайнида энг кўп қўлланилган инструмент ҳисобланади. Қайта молиялаштириш ставкасидан Марказий банк инфляцияга қарши курашдаги энг асосий восита сифатида фойдаланиб келмоқда. Миллий валюта киритилган пайдан бошлаб то ҳозирги давргача Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасини йилига бир неча марта ўзгартирганини кузатиш мумкин. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, дастлабки йиллари қайта молиялаштириш ставкаси даражаси анча юқори бўлган бўлсада, у пасайиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда.

Инфляцияга қарши курашда қўлланилаётган яна бир муҳим инструмент Марказий банкнинг мажбурий захира талаблари бўлиб, ушбу дастакдан 1992 йилдан бери фойдаланиб келинмоқда. Мажбурий захира талаблари ҳам худди қайта молиялаштириш ставкаси каби йиллар бўйича пасайиш тенденциясига эга бўлди. Хусусан, 1993 йилдан тижорат банклари талаб қилиб олингунча ва 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатли депозитларнинг 30 фоизини Марказий банкка захира сифатида ўтказиши шарт бўлган бўлса, 2005 йил февралдан эътиборан эса, ушбу мажбурият 15 фоизга туширилди. Албатта, ушбу сиёсат тижорат банклари кредит ресурсларини кўпайишига ва иқтисодий кредитлаш ҳажмини ошишига сабаб бўлади.

2012 йилда пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг муддати 1 йилгача бўлган депозитлари учун - 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлари учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлари учун - 10,5 фоиз миқдоридан ўзгартирилмасдан қолдирилди.

Пул массасини тартибга солишда Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари инструменти ҳам муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки очиқ бозорда асосан давлат қисқа муддатли облигациялари ва ўз облигацияларидан фойдаланади.

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдим:

1. Мамлакатимизда капитал бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва узоқ муддатли воситаларнинг тақчиллиги Марказий банкнинг очиқ бозордаги операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ҳукуматнинг қисқа ва ўрта муддатли қимматли қоғозлари ҳамда Марказий банкнинг облигациялари эмиссия ҳажмини ошириш лозим ва уларга тўланадиган фоиз ставкаларини қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан (12 фоиздан) кам бўлмаган даражада бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда уларга 6 фоиз, яъни қайта

молиялаштириш ставкасидан 2 ки марта кам тўланмоқда, бу эса тижорат банкларини молиявий манфаатларига зиддир.

2. Иккиламчи бозорни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида билвосита воситаларнинг янги турларини, жумладан ломбард ва овердрафт механизмлари, валюта СВОПларини жорий қилиш, овернайт кредитлари ҳажмини, РЕПО ҳамда қайта РЕПО операцияларини кенгайтириш зарур. Бу эса Марказий банкка муомаладаги ортиқча ликвидликни ва пул массасини самарали тартибга солиш асосида монетар сиёсат самарадорлигини ошириш имконини беради.

3. Жаҳон амалиётида нақд пулларга бўлган талабнинг қисқариб бориш тенденцияси кузатилмоқда, фақат Япония давлатидан ташқариларида. МДҲ давлатларида, жумладан республикамизда ҳам пластик карточкалар воситасидаги тўловлар ҳажмининг кичиклиги, пуллик чеклар орқали тўлаш тизимининг ривожланмаганлиги ва бошқа омиллар ушбу талабнинг юқорилигини сақлаб қолмоқда. Мазкур муаммони миллий ишлаб чиқаришни, хусусан халқ истеъмоли моллари ҳажмини ошириш, пластик карточкалар воситасидаги тўловларни солиқлар, коммунал тўловлар, тиббий хизматлар каби турли тўловларга қўллаш орқали ҳал этиш мумкин. Аммо шуни унитмаслик зарурки нақд пулларни муомалада Япония каби давлатларда жуда юқори сақланиши, яъни 22 фоиз бўлиши бир томондан аҳоли миллий ананаларини инобатга олса, иккинчи тарафдан аҳоли истеъмолини рағбатлантиришни ҳам ўнитмаслик зарур. Бизда бошқа давлатлардан улароқ аҳолини асосий кунлик истеъмом эҳтиёжи бозорлар орқали қондирилаётганлигини ўнитмаслик зарур.

4. Мамлакатимизда нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўртасидаги фарқ ҳамон сақланиб қолмоқда. Бунда асосан, тадбиркорлар томонидан ноқонуний йўллар орқали импорт товарларининг олиб кирилиши, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг талаб даражасида эмаслиги, чакана савдо айланмасида норасмий савдо улушининг кўплиги ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг МДҲ давлатларига нисбатан

юқорилиги сабаб бўлиб, у солиқлардан қочишга, яширин иқтисодиётнинг ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк ушбу ҳисоб-китобларни босқичма-босқич унификация қилиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Жумладан, мижозларнинг биринчи талаби бўйича банклардан нақд пуллар олишини таъминлаш, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг прогрессив ставкасини Россия давлатидаги сингари ягона 13 фоиз ставкасига тушириш зарур.

5. Ҳозирги пайтда ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз монетар сиёсатини кўпроқ нархлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирмоқда. Бу эса пул агрегатларидан оралик мақсад сифатида фойдаланишдан инфляция кўрсаткичларига ўтишни тақозо қилади. Республикамизда Марказий банк мустақиллигининг ошаётганлиги ва иқтисодиётда яратилган қулай шарт-шароитлар инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларини (inflation targeting) амалиётга қўллаш имконини беради. Келгусида иқтисодиёт, банк, молия тизими ҳамда молия бозорларининг ривожланиши ва янада эркинлаштирилиши асосида Марказий банк ушбу усулдан фойдаланиши зарур. Бунинг учун инфляцияга таъсир қилувчи номонетар омилларни максимал даражада камайтирилишига эришиш лозим. Хусусан, тартибга солинадиган нархлар, жумладан электр энергия, коммунал тўловлар, ёқилғи, транспорт тарифлари борасида тузилмавий ислохотлар амалга оширилиши тақозо қилинади. Чунки, сўнгги йилларда инфляцияга номонетар омилларнинг таъсири 70 фоиздан юқорини ташкил этмоқда. Монетар омилларнинг инфляцияга максимал даражада таъсирига эришилганидан сўнг Марказий банк уни тўлиқ назорат қилиш ва белгиланган даражада бўлишини таъминлаш имконига эга бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат, 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги. Қонуни. - Т.: Шарқ, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил 1 май
6. Ўзбекистон Республикаси “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2003 йил 11 декабр.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармон 2005 йил 15 июнь, «Халқ сўзи» газетаси № 35
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарори 2005 йил 15 апрель, «Халқ сўзи» газетаси №27.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган 422-сонли “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги Низом
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги “Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида”ги Низом
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги Низом
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 22 февралдаги 432-сонли “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 26 апрелдаги 420-сонли “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 11 февралдаги 632-сонли «Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш Тартиби».
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2005 йил 28 майда тасдиқланган 610-сонли Қарори билан тасдиқланган “Очик валюта позициясини ўтказиш Қоидаси”
16. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005й.
17. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
18. Абдуллаева. Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т., «Молия», 2002.
19. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент.- М.: Финансы и Статистика, 1996.
20. Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни, - М.Мысль 1989
21. Батракова Л.Г. “Анализ процентной политики коммерческого банка”, Москва “Логос”, 2002.
22. Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования. – М.: Издательская группа «БЦД-пресс», 2003.
23. Бланк И.А. «Управление активов банка» М. 2002
24. Грюнинг Х.ван, Брайович Братанович С. “Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления финансовым риском”, Пер.с. англ. д.э.н. К.Р. Тагирбекова – М:Из.”Весь мир», 2004г.
25. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). М. Юристь, 2003
26. Меньшиков И.С. «Финансовый анализ ценных бумаг» М. 1998

27. Ольшанный А.И. «Банковские кредитование» М, РДЛ 1997
28. Роуз Питер С. Банковский менеджмент. М.: Дело, 1995
29. Обзор Базельского соглашения по капиталу.- Базель: БМР, 2003
30. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. М.: 1997
31. Салин В.Н. Математика-экономическое методология анализа рисков видов страхования. М. 1997
32. Севрук В.Г. Банковские риски. – М.: Дело, 1994.
33. Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент. М. 1993
34. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: Все для Вас
35. Шахов В.В. Введение в страхование экономический аспект. М. Финансы и статистика, 1994
36. Банковское дело: Учебник для вузов 2-е изд./ Под Ред Г.Белоглазовой, Л. Кроливецкой. – СПб.: 2009.- 400 с.
37. Международный финансовый рынок : учеб. Пособие/ под ред. Д-ра экон. Наук, проф. В.А. Слепова, д-ра экон. Наук, проф. Е.А. Звоновой. –М.: Магистр, 2007. – 543 с.

**Интернет сайтлари:**

1. [WWW.cbu.uz](http://WWW.cbu.uz)
2. [WWW.google.uz](http://WWW.google.uz)
3. [WWW.ref.uz](http://WWW.ref.uz)
4. [WWW.lex.uz](http://WWW.lex.uz)
5. [WWW.yandex.ru](http://WWW.yandex.ru)